

ҒАЗАЛ СОГИНЧЫ



Лутфий

Бұқ күнгиладыр,
бұқ күнгиіл

2016/127
7789

Лутфий

*Бұ күнгиңидір,
бұ күнгіл*



Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2016

УУК 821.512.133-1

КБК 84(5)1

Л93

— 95 аудиокнига

Лутфий

Бу күнгилдир, бу күнгил: ғазаллар/Лутфий. – Ташкент:
Ғафур Гулом, 2016. – 176 б.

Алишер Навоий таъкидлаганидек ўз даврнинг «Маликул
калом»и бўлган мавлоно Лутфийнинг ғазал ва туюқлари
оҳангдорлиги ва ўзгача ташбехлари билан ажралиб туради.
Бу китобда мавлононинг халқимиз кўнглидан жой олган, энг
сара шеърлари жамланди.

2016/12/4

4429

ISBN 978-9943-03-767-0

УУК 821.512.133-1
КБК 84(5)1

© Ғафур Гулом номидаги
нашрёт-матбаа ижодий
уиї, 2016

* * *

Эй икки жаҳон бирлигинг исботиға ғүё,
Зарроти жаҳон мазҳарида кун киби пайдо.

Ҳам аввалу охирсену ҳам зоҳиру ботин,
Ҳам мубдиъи ашёсену, ҳам ҳайи тавоно.

Бош бирла муаллақ туурур амрингни эшитиб,
Кўкнинг табоқотиким эрур хирқаси хазро.

Бахру бар эрур ғарқи неъматинг онинг учун,
Дарёға тегар мавж ғуну хорға хоро.

Анвоъи мазоҳирким эрур ҳуснингта миръот,
Исмедуру йўқ сенсиз анга ҳеч мусаммо.

Ҳусн элининг оғзидан гушмайдур отингким,
Ҳар зарра эрур ваҳдатингиз изҳорига гүё.

Аҳмад дам ла уҳси урар чун сифатингда,
Не ҳадди била Лутфий сано айласун иншо.

* * *

Ой юзунг олида хижил ҳусн эли Руму Чин аро,
Валвала солди күзларинг кофиру аҳли дин аро.

Чун мени ўлтуур букун ул руху ораз орзуси,
Равзада тобқамен ўрун лолау ёсумин аро.

Янги эканда кўрмади ҳеч ким ой тутулғонин,
Чин не учун тутар қошинг, ёраб, ўшал жабин аро.

Зулфунг ила чу нофадин урди дам охуи Хўтан,
Ғамзанг отимчиси ўқи нофани ўйди Чин аро.

Ақл дедики “заррае меҳр йўқ анда оғзитек”,
Қилди табассум ўйлаким, тушди гумон яқин аро.

Қилма ҳавола ҳажр ила Лутфийни ўлтуур учун,
Тез қилични элга ол, тутмоғил они қин аро.

* * *

Эй пари юзлук бегим, жонлар фидо бўлсун санга,
Дунёда хусн оти бор эркан, бақо бўлсун санга.

Ҳадди маҳлукотдиндур нори ул хусну жамол,
Улки йўқтур раҳм эрур, бу ҳам ато бўлсун санга.

Ийманиб ҳосид тилиндин даст бермас чун салом,
Кўз учи бирла йироқтин марҳабо бўлсун санга.

Чун вафосизларга бермишлар азалда кўркни,
Бу камоли хусн ила қайдин вафо бўлсун санга.

Бир қиё боқсанг закоти хусн учун, эй кўркабой,
Лутфийи мискиндин ўлгунча дуо бўлсун санга.

* * *

Ул ойки фитна бұлди қүнгүл қошу күзига,
Жон бердиму ёвутмади меҳримни үзига.

Парвона иши мендин эрур яхшироқким,
Үртанса бори ул қовушур дилфурүзига.

Гулдек кулар чиройина бир кун йўлукмадим,
Ойларда ҳам бир учрамадим яхши күзига.

Махшарда ғолибоким, укун кўрмагай азоб,
Улким, йўлиқса ҳажр ўтигининг доғу сўзига.

Туткай жаҳонни Лутфий сўзи ҳусни жовидек,
Гар илтифот қиласа бу бечора сўзига.

* * *

Жамолу ҳүснингга сўз йўқ, вафо, керак бўлса,
Мени худ ўлтуратурсан, раво керак бўлса.

Кўнгул чу билмайин ўз ҳаддини сени севли,
Балоу гусса била мубтало керак бўлса.

Жафони жонима оз қилки, нogaҳон бир кун
Жафо туганса нетарсен, жафо керак бўлса?

Кўнгулни ўзгага бергил, демангки мушкилдур,
Жаҳонда сиз киби бир дилрабо керак бўлса.

Кипиким ўз жонига қасд этар, сени севсун,
Даги эшикинга келсун, бало керак бўлса.

Жамолу жоҳ элидин юз фарогатим бордур,
рамунг ити менга ошно керак бўлса.

Ўқу бу Лутфий мунглуқ ниёзномасини,
Савобу алқиншу юз минг дуо керак бўлса.

* * *

Суратингни кимки кўрди, қилди жоно, жон фидо,
Сийратингта худ қилур олиб фаришга иқтидо.

Нечаким зулфунгда бор қуфру залолат зулмаги,
Равшан ул ойдек юзунгда бордур ул нури худо.

Интиҳо йўқму десам ҳуснунгта, айтур қўзларини:
“Қайдасан, мен худ балони қилдим эмди ибтидо”.

Сеҳр ишин Кашири эли ғамзангдин ўрганса керак
Ким, жаҳон ичра бўлубтур ул бу фанда муктадо.

То дединг лаълинг закоти мен фақирга бўлса сарф,
Шукрининг эмди они ширин керак қилсам адо.

Сенсизин қилмай таҳаммул нола қилсам қилма айб,
Гар бу юк юқланса токқа, келгай ондин юз садо.

Итларингнинг мансабин Лутфийга таъйин айлаким,
Давлатингда қилса султонлиғ не бўлғай бир гадо?

* * *

Эй азалдин жонима зулфунг қазо бўлган бало,
Кошу кўзунг бир-бирининг устина келгон бало.

Чун каманд отса сочиндин қайдаким бўлсан етар,
Қочса бўлмаским муқаддар этса чун яздан бало.

Кўнглум олғон зулфи ҳар соат оёғингға тушар,
Ғофил ўлмаким, оёқ остиндадур, эй жон, бало.

Уйқучи баҳтим қаро чинини доим туш кўрар,
Ваҳки, таъбир ичра бордур тушта соч кўргон бало,

Зулфунгиз юз ҳалқа, ҳар бир ҳалқада минг доми ғам,
Ошкоро фитнадур, лекин қилур пинҳон бало.

Лутфийга бўлди бало ул сочи анбар фурқати,
Оре-ореким, эрур ошиқлара ҳижрон бало.

* * *

Не бало ҳусну малоҳат берди субҳон юзига,
Ким эрур инсу малак жон бирла ҳайрон юзига.

Халқа даргүш ўлди-ю юзун тутар ул рух сари,
Гүиё ошиқ бўлубтур дурри ғалтон юзига.

Ул пари юзун кўруб, жон ҳазор ихлос ила
Пешкаш қилдим, кўнгул қўйдум ул жон юзига.

Юз хатосиз қонини гар тўкса кўзи ҳашрда,
Ҳеч ким эрса келмагай ул номусулмон юзига.

Лутфий гар ошиқ бўлуб қилди фидо жон, не ажаб,
Қўрса гар кофир ани келтургай имон юзига.

* * *

Юзунгнинг орзусио турранг интизори била,
Бошим оқорди, vale кўнглум ул қарори била,

Мудом сув тилагондек биайниҳи махмур,
Қонимға ташна бўлубсан кўзинг хумори била.

Жамол мулкига сен подшоҳ бўлғали, гул
Тикан ташиб кечуурур кун ҳазор хори била.

Эшикинг итидин айрилғонимни тут маъзур,
Ҳамиша кимни фалак қўйди эътибори била.

Маломат аҳлидин, эй порсо, ҳазар қиласкўр
Ки, хусн ақлни қўймас ўз ихтиёри била.

Чу васл равзасидин кўрмадим гуле ҳаргиз,
Неча тутар мени булбулнинг оҳу зори била.

Кўнгулни олма янгоқингдин узмади ошиқ,
Агарчи топмади беҳбуд ҳажр нори била.

Агарчи умр асосини бузди сели фирок,
Кўнгул турубтур ўшул аҳди устувори била.

Висол ваъдаси эрмас вафо учун билдим,
Керакки Лутфийни ўлтурса интизори била.

* * *

Құрқарки, раҳми келса күзум түпги ёшина,
Ештек сүрап мени борур ўлсам чу қошина.

Тош ичра сиім музмар әрур, йүккі тошта сиім
Хайратта қолминшам мен аниңг ичу тошина.

Күнглумга ўт туташди, бўйла борди обрўй,
Тупроқ келсун ушбу күнгулнинг бошина.

Ҳалвом учун дудоги фироқинда, эй рақиб,
Ошиқмагил, сабр керак кипши ошина.

Ул жодуларки боглар оқар сувии сехр ила,
Хайрон дурур бу Лутфий гадо кўзи ёшина.

* * *

Қани бу шаклу шамойил фалакнинг ойинда?
Даги бу ҳусну малоҳат гунаш чиройинда?

Ким ой кўрди сенингдек бошида мушкин тож,
Ва ёки сарв қадингдек Қрим тўмойинда?

Улус ичинда дурур ўзбетим қиё кўзлук,
Хаёли тўқтамиш ондин кўнгул саройинда.

Сенинг қадингта бичилмиш туурур жафо тўни,
Сени замона мусаллам тутар бу ойинда.

Юзунг сифотини гўяндадин самоъ этса,
Киши турубму бўлур элнинг охувойинда?

Эшикинг итлари кўн Лугфийдин қиласар фарёд,
Ким уйқу бўлди ҳаром онинг ушбу жойинда.

* * *

Ёз бўлди, керак ул бути айёр топилса,
Барча топилур, бизга керак ёр топилса.

Гул даврида ич боданиким, оқил эмастур
Хар кимки букун дуняда хушёр топилса.

Мен кезгучи қулнунг турурин сиз не сўрарсиз?
Истанг мени ул ердаки, дилдор топилса.

Савдои бўлубмен, чу кўнгул зулфина бердим,
Савдо бўлур ондоки харидор топилса.

Жаврунгни мени хастаға қил, ўзгага қилма,
Марҳамни ёқ ул ергаки, афгор топилса.

Ҳақдин, эй кўнгул, ўзга нима қилма таманно,
Сен хастаға ул ердаки, дийдор топилса.

Лутфийни агар ноз ила ўлтурса ажаб йўқ,
Дилбар кўп этар ноз ҳаводор топилса.

* * *

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Кондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Хижрон кечаси чархи фалакка етар, эй моҳ,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ҳаққоки, килич келса бошимға, эшикингдин
Йўқтур гузарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Усрук кўзинг ашколина ҳар гаҳ назар этсам,
Қолмас хабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Яъқуб бикин кўп йифидин қолмади сенсиз
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ой юзунга кўз солғали ўзга киши бирла
Йўқтур назарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди,
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

* * *

Жон неткай эрди дардинга ҳамроҳ бўлмаса?
Дунёда муниси ғаму дилҳоҳ бўлмаса.

Зулфу юзунг фироқида ошиқ нетар ҳаёт,
Онсиз керакки сол, доғи моҳ бўлмаса.

Кўнглум ёрилғай эрди торилғаб фироқдин,
Эйвой, агар бу кўз ёшию оҳ бўлмаса.

Дилбар итобу жавру жафо киласа ишидур,
Биздин керак вафодаки бир оҳ бўлмаса.

Айтилмайин кўнгулни ғами жон етти ирнима,
Фарёд агар бу ҳолдин огоҳ бўлмаса.

Куйган кўнгулни хомтамаъ қилмас эрди ёр,
Кўз учидин карашмаси гоҳ-гоҳ бўлмаса.

Ўлтургай эрди Лутфийни ғам ёлғузун кўруб,
Биллоҳ, хаёли ҳозиру таллоҳ бўлмаса.

* * *

Давлати васл илтимоси не ҳикоятдур манга,
Улки, ёдинг бирла жон берсам кифоятдур манга.

Кечалар зулфу узоринг васфида фикр айласам,
Ҳар қоронгу гунда юз шамъи ҳидоятдур манга.


Жаврунг ортар ҳар даму шойиста хизмат менда йўқ.
Не сабабтиң, ё раб, уш мунча иноятдур манга.

Чун хаёлинг келса, кўз ёни назар йўлини тутар,
Ахтари сайёрадин ушибу шикоятдур манга.

Оғзингиздур сирри ғайбу андин этсам нуқтае,
Ҳалди идрок эрмас, изҳори валоятдур манга.

Ҳар нима бўлса анга бордур ниҳоят оқибат,
Нозу бедодинг лурурким, бениҳояғдур манга.

Лутғийнинг назми дурига солсангиз, шоҳим, қулоқ
Фояги таҳсину анвоъи иноятдур манга.





Ой юзунг лавхинда маҳфуз ояти уммул-китоб,
Тұғмади барлос улусиндин сенингдек офтоб.

Субхі давлат машриқи, нури тажалли матлағы,
Талъатиндурким ҳәёсидин бўлур ҳар дам гулоб.

Қўнти ҳуснунгдин қиёмағ ети кишвардин буқун.
Ушта қошу кўз киприк дафтари ёвмул ҳисоб.

Зулматободи жаҳонда оразингдур шамъи нур,
Ким қилур ҳар ламъаси турлук-туман офтоб.

Моҳи Канъоники Миср эли кўруб эл кестилар,
Тушта ҳаргиз кўрмади, биллоҳ, бу ҳусни оби тоб.

Айн эрур мусҳаф юзунгда ашри оёти жамол,
Вақф лозим мим оғиз валлоҳи аълам биссавоб.

Бир ёшинита тенгри юз ёши берсун Лутфий қул,
Ё илоҳо бу дуо ҳазрағта бўлсун мустажоб.

* * *

Оқим, бағрим фироқ ўти уза бўлди кабоб,
Мажлисим нуқли ғаму андуху кўз ёшим шароб.

Гул юзунг ҳажринда ўздин кетгай эрдим дам-бадам,
Гар бу сориғ юз уза кўз урмаса ҳар дам гулоб.

Фурқатинг чўлинда ҳар бир йўл уза ўтруб кўзум
Этти тожиклар тилинча, кимни кўрса: «Хожа, об!»

Ким сенинг ҳажрингта тушса ногах, эй жон муниси,
Ўз жониндин ирикиб топмас ўлумни орзулооб.

Ғамза то бўлди, отиб қўрчидағи ҳожиб қошинг,
Лутфий кўнгли мулкини қилдинг жафо бирла хароб.

* * *

Нетиб ўлмайинки, чиқса юзи бурقاјин күториб,
Қоши бошлағай жафони, күзи фитналар қўпориб.

Кўзунг ул қаро куёликким эрур юзунгга мункир,
Нечаким юрак қониндин дудоғи турур қизориб.

Қалам ўила борди элдин қаро кўзи васфидақим,
Қародин қароға уч ой они элтурлар кўториб.

Кўз оқарди-ю, юзин бир тўя кўрмадим, рақибо,
Неча зулфитеқ қафогир ўласен юзунг қарориб.

Менги хасратинда Лутфий ўлар ўлса ғамза бирла,
Бори доғи ишқ топқай юрагина боқса ёриб.

* * *

Лабинг латофатидин баски фаҳм килди уёт,
Үлум, қаро зулумот ичра кирди оби хаёт.

Салоҳ аҳлини озғурди йўлдин ул қомат,
Не қад бўлур, бу не қомат, не фитналик харакот.

Набот нархини синдурмаса шакар ирнинг,
Не ишки, тенг сотилур тол йиғочи бирла набот.

Йуқ оғзингиз киби ширин калом мантиқда,
Ки килди жавҳари фард ўз вужудидин исбот.

Жамол бойлиғида Лутфий сори бок, садаканг,
Ки фарзи айн эрур, албатта, мустаҳикка закот.

* * *

Зулфунгни куруб қилди күнгүл майли зиёрат,
Ул силсилага берди равон дасты иродат.

Ҳар кимки шаҳид ўлмади дилбар қиличишин,
Бечора бориб топмади ул шаҳли шаҳодат.

Сочингни кўруб, ҳалқа бағүш ўлди қонитигда,
Ҳар кимки урап эрди бурун лофи саёдат.

Ошиққа ўзин сотса рақибинг, нега менгзар,
Арслон била тулкугаки лофтурса жалодат.

Хуршед тугар ҳар кун ўшул ой ёқасидин,
Ой күнглакига ҳақ не бало берди саодат!

Қутлуг аёгинг ерга тегиблур, онинг учун
Эл урга қўюб бош, қилур барча ибодат.

Не бўлгай агар Лутфийи бечорани кўрсанг,
Ким хайр ишидур хастага ким қиласа иёдаг.

* * *

Хат қилди юзунг мусҳафидин ҳусн ривоят,
Ул мусҳаф уза хаттинг эрур ҳуснунга ояг.

Мехрингдин аё ою фалакка етар оҳим,
Қилмас нетайин, кўнглунга бир зарра сироят.

Жон тоити иморат қадингиз тузлуки бирла,
Маъмур бўлур адл или ҳар қайда вилоят.

Гар меҳру вафо бўлмаса, йўқтур тамаим кўп,
Ул кўздин эрур бир назаре бизга кифоят.

Ул юз била меҳримнинг эмас тояти пайдо,
Андоқки сенинг ҳуснунга йўқ ҳеч ниҳоят.

Ҳайрагқа қолиб ииста оғиз очги-ю, қолди,
Мажлисда чу оғзинг соридин кечти ҳикоят.

Ҳақ бирла ниёзинг агар, эй шоҳ, бор эрса,
Кил Лугфийи мискинга жафо бирла риоят.

* * *

Эй ғамза била қўнглум уйин килғучи ғорат,
Асрұ дағи бузма, чу сенингдур бу иморат.

Иттек у мени жон тортуратурғунча мунунгдек,
Қўз қоқ биру кирпук ўқина қилғил ишорат.

Сен ҳусн или бойсен, сенга чун фарз дурур ҳаж,
Қил, тентри учун, каъбаи қўнглумни зиёрат.

Юз сурмадин ортуқ тутар ирнинг тӯзини кўз,
Тортиб билайин бўлмаса анда бу басорат.

Ер узра этак судраб ўтубсиз онинг учун,
Туфроқ или хар ерда раво бўлди таҳорат.

Ҳажрингда кўзумнинг садафидин тўкулуб дур,
Ҳардамки, келур ёдима ул лафзу иборат.

Бу Лутфийнинг охи ўтидин куймади қўнглунг,
Куйдурди фалак бағрини, лекин бу ҳарорат.

* * *

Қонимга кирмагил, эй құзи қиймоч,
Ки бошимға тегар худ ул қаро соч.

Юз очғил, құз сени түйғунча күрсун,
Неча бўлғай бу қўзим мунтазир, оч.

Гул элтур ол ўила чехрадин ранг,
Қизорса, ўғри учун ел ураг кож.

Жонимға қиймаса наққош сурат,
Не маънидин қилур қўзингни киймоч.

Тириклик қилғай эрди ким била рух,
Азалдин келмаса меҳрингни олғоч.

Лабингдин чун сучуклик қанд ўғурлар,
Солурлар эл ани сувға яланғоч.

Нишон топқай бақодин анда Лутфий,
Ки хоки ўқларингға бўлса омоч.



Бир яна кўргаймумен ул кўзлари кофарни ҳеч?
Ирнидин сўргаймуменким, қилди ул шаккарни ҳеч,

Раҳм пайдо булдиму бўлғай аниңг тош кўнглида,
Зулфи ўксуттиму эркан мунча шўру шарни ҳеч?

Қилғали ойтек юзунинг мусҳафина бир назар,
Кўрмадим дарсу вазойиф нусхай дафтари ҳеч.

Зулфи савдоси киминг бошина тушти бир кеча,
Ул паришон бўлди-ю, топмоди пою сарни ҳеч.

Нечаким сайдинг дуур бу Лутфий, ўлтурма ани,
Раҳм этиб сайёдлар ўлтурмади логарни ҳеч.

* * *

Эй гамзаси мискинлара күп қылгучи бедод,
Жоду қароқынг сеҳр ила Ҳорутта устод.

Бир йўли бу бечора дуочингни унутма,
Бир кун санга бу сўзларимиз келгусилур ёл.

Фарёдим ўшул ерга етибтурки нечаким,
Фарёд этарам мендин эшигтмас кипи фарёл.

Топи эритур охим асар қилгуси бир кун,
Кўнглуңг нечаким бўлса темур, топи даги пўлод.

Бор қуллугунгуз ишқи ҳануз сарв бошинда,
Тузлук била гарчи апи қилмисш қадинг озод.

Ҳамдард ила ҳолимни дейинким, гуша бовар,
Ул дамки йўлукса мағнап куни Фарҳод.

Бу Лутфийи бечорага гах-гаҳ назар айла,
Эй турки сумансоиду в-эй, сарви паризод.

* * *

Пистадек оғзинга шакар дедилар,
Ғайб сирин не мухтасар дедилар.

Дедилар оразингни ой ила кун,
Тенгрининг нурина нелар дедилар?

Юзунг олинг қиёматини кўруб,
Жамъиушишамсу вал-қамар дедилар,

Қил учи бор демишлар оғзингни,
Кўрки, йўқ ерда не хабар дедилар,

Ваҳдат аҳли сафоу талъатинги
Партави мабдаус-сувар дедилар.

Васфи зулфу руҳингда тушмадилар,
Ҳар неча шом ила саҳар дедилар.

Ким қошингни ҳилола менгзатти
Они ишқ аҳли қажназар дедилар.

Аҳли савдо кўнгул иложи учун
Лаби лаълингни гулшакар дедилар.

Тут қулоқ Лутфийнинг иборатиға
Ким, онинг лафзини гуҳар дедилар.

* * *

Замона ахли кўзунг сехрина асир бўлур,
Худойро, бу не ашколи дилпазир бўлур.

Кумуш билакларингизни енг ичра ёшурманг,
Кишининг илги очуқ бўлса, беназир бўлур.

Кўзум юзунг сори бехост боқса, манъ этма
Ки ҳусн эли назар аҳлина ногузир бўлур.

Қил учи сўзласам ул тор оғзи киноятини,
Вужуди зихни сори рожиуз-замир бўлур.

Ҳарис учун юзунга хору зор бўлмишмен,
Ҳарис бўлса киши, хор ҳам ҳақир бўлур.

Шамол қайдаки бўлса, жафоси жонға тегар,
Магарки ҳусну жафо иттифоқи бир бўлур.

Нечаким ул шаҳ учун Лутфий сўзи дур бўлди,
Қачон қулоғида бу қисса жойгир бўлур.

* * *

Ул зулфи тузоқики күнгүл сайди учундур,
Хар ҳалқаси сармояи асбоби жүнундур.

Йиллар керак ул ғамзага шогирдлик этса,
Хорутки, устоди тиалисмоти фусундур.

Чун акл кичиклиқдау ой янги эканда,
Хүснингдағи бу дарди дилим рўзи фузундур,

Бурқаъни кўтар, тенгри учун, эл сени кўрсун,
Бу хусну малоҳат яна қайси қун учундур?

Лутфийким очун хонларини илмади кўзга,
Қул бўлди жамолинггау ишқингда забундур.

* * *

Лаълиға боқсам билурким, күнглум ул ён тортадур,
Ноз ила ўлтурғали айтур: “Сени қон тортадур”.

Чашми масти жом лаълин кўргай эрди Хизр агар,
Ичкай эрди бода улким оби ҳайвон тортадур.

Соҳири Бобилки, сехр ичра мусалламдур букун,
Ғамзангизнинг саҳмидин юзига қалқон тортадур.
Гарчи умрум кечти нола бирла ул гул дардидин,
Сўрмадиким: “Бу не булбўлдурки, афғон тортадур?”

Ул сенинг ойдек жамолингни йироктин дунийида
Кўргамен, деб банда доим меҳнати жон тортадур.

Зулфунгиз элтур мени гаҳ Каъба, гоҳи дайрға,
Бандани ҳар ергаким рўзи паришон тортадур.

Борди бермай шарбати васлин бу хаста Лутфийға,
Умр борди-ю, ҳануз ул ранжи ҳижрон тортадур.

* * *

Ғамза ўқини гаҳ-гаҳ жонима раҳм этиб огар,
Ҳасратим ул луурким, ул давлати тез bog ўтар,

Қоплари бош бир қилиб ғамзаси бирла кенгани
Бириси нақди дин олиб, ўзгаси қасди жон этар.

Бўлди мұяссар охири итлари мансаби манга,
Ҳар ким эгоси эшикин сақлади бўлди мұътабар.

Қанд лабинга гар сабо тексаю ўтса ер уза,
Бўлгай у кун баҳода ул барча наботу найшакар.

Гул қамаригдин ўгурулаб олди жамол, аниңг учу
Шоҳи рабет они тикан дорига ўгритек осар.

Кўрмади ҳажр кечасин, дарди дилим не билсун
Хаста кипши билур доги, шамъки тун нечук кечар

Гарчи куйди нух фалак багри бу Лутфий охидин
Зарра ул ойи меҳрсиз кўнглига қилмади асар.

* * *

Күзум назари токи юзунгиз бирла тушубтур,
Жон бирла күнгүл ишқинг ўти ичра куюбтур.

Ёр ирни била урмангиз, эй қанду шакар, лоф!
Чун оби ҳаёт ўфтаниб ондин ёшунубтур.

Занбури асал оғзи тўла шаҳд әканинда
Ирнингни кўриб bemаза деб, бол тўкубтур.

Ҳар қайси шари суратингиз аксини кўрди,
Девона бўлубон илигин гишлаб ўтубтур.

Қаддингни бу Лутфий демагай сарви сиҳиким,
Юз сарв анинг олида хизмагта бўлубтур.

* * *

Бу күнгүл булбұл биқин гултек янтоқин орзулар,
Бұлды юз олтину күз сиймtek сақоқин орзулар.

Нечаким ўтлуғ құзи бағримни бирёң айлади,
Жон ўзин қурбон этиб, жоду қароқин орзулар.

Бўлмиш ул шоҳнинг ясоқи кеску деб ошиқ бошин,
Бу менинг ёрли бошим ул бек бўсоқин орзулар.

Куш тузоқ кўрса қочар, бу турфа кўнглумнинг қуши
Бўйини сунуб анинг зулфи тузоқин орзулар.

Ғамзасининг захми чун жонима марҳамтек ёқар,
Бўлди бағрим қон доғи ул ўқ бошоқин орзулар.

Васл учун минг бөш беройни жон уза миннат била,
Ултур ул ошиқниким, дилбар фироқин орзулар.

Хаста Лутфийнинг жони ҳар дам борур оғзи сори,
Англасам, жондин сучук ширин дудогин орзулар.

* * *

Адамдин эмди сенингтек вужуда қайда келур,
Үлар тирик сени күрса, vale ўлук тирилур,

Жафо қилурсену күнглумга хуш ёқар, оре,
Кишики күрклук эрур, ҳарне қиласа яхши келур,

Үлтурсангиз нафасе гүл йиғочи остинда,
Сабо қўпса гул устида барча гул сочишур.

Табуқда қогоза гар қўл юбормаса, не ажаб,
Ғаминг сўзин битисам, ўтқа номалар ёқилур.

Шохим қулоғидин элтти чу дур латофатни
Бу ўғрилиқ сабабиндин қулоқидин осилур.

Рақибларга берур ҳар дам ул санам дашном,
Анинг қулимену инъом ўзгаларға қилур.

Рақиб жонини олғай худойи азза важал,
Ки, Лутфий бирла қотилмас, vale кўп қотилур.

* * *

Лоф урса кун юзүнг билан айни газоф эрур,
Күрклюк сен, ўқсен, ўзга киши сўзи лоф эрур.

Кўнглум хамиша тол киби титратар онинг учун,
Ким ваъдангиз менинг била доим хилоф эрур.

Қонимни тўкма, ғайрат ила ўзгага боқиб,
Ултур мени не ҳожати мунча масоф эрур.

Эй “мим” оғизли белингга кўнглум қўюб дедим,
Раҳмим келурки қилча белинг юки қоф эрур.

Ул тор оғизки сўз анга сиғмас адам учун,
Гар бўлса Лутфий васфида ожиз, маоф эрур.

* * *

Хар ким аниң зулфи била ногоҳ бирор савдо қилур,
Күч бирла ўзин ул киши шўридау пайдо қилур.

Қон йигламоқдин дам-бадам эл аро сиррим бўлди
фоп,
Ошиқнинг ўртуклук ишин кўз ёни кўп расво қилур.

Раҳм этти сариг юзуму кўз ёнима ул шоҳ, бале,
Бир кун ярогай леб киши олтун, кумуни пайдо қилур.

Зулфи черигини ясаб, қаршумга ногаҳ юруса,
Кўнглум элин торож этиб, жон мулкини яғмо қилур,

Икки қоши бош бир қилиб бошимга келтурди бало,
Бори кўзига гамзаси жон олгали имо қилур.

Жоним ҳадаф бўлсун сенинг жаврунг ўқига нечаким,
Пайваста қошинг эгмаси ўқтек бўюмни ё қилур.

Ақлим кетибон Лутфийдек девона бўлгум англагил,
Ишқинг келиб кўнглум эли ичра экан гавго қилур.

* * *

Улким янгоқи күзума гулзор күрунур,
Хублар күзима андип утун хор күрунур.

Кеңти хирадим бошта чу ул қошини күрдүм,
Ой бошта наиваста ҳилол ор¹ күрунур.

Нозуклигидин бодаи лаъл ирнина қўйса,
У ерга етанчаки борур бор күрунур.

Мен фахр қилурмен манга дашном берурда
Билмас кишиларға агар ул ор күрунур.

Манъ этган учун Лутфийға ишқи йўли ичра,
Ҳар қайдаки бир ёр дурур, агёр күрунур.

¹ Кўлсизмада матн маъносига мувофик “орс” (албатта, зотан) тарзида сизлган.

* * *

Хар неча ямонлиқки қилур, яхши күрунур,
Нозук кишидин ҳарне келур, яхши күрунур.

Гулнинг йиғочи остида ўлтурки, қўпар ел
Гул бошига гул сочилур, яхши күрунур.

Чун тишлиаса ирниң күрунур шеваси ширин,
Сут бирла чун шаккар қотилур, яхши күрунур.

Хат ҳуснини орттириди ҳеч қилмади нуқсон,
Қоғазга чу хатлар ёзилур, яхши күрунур.

Сочинг била юз ёпмагилу Лутфийға кўргуз!
Кун, оре, булуттин очилур, яхши күрунур.

* * *

Жонимға теккан ул қаро соч макр долидур,
Күнглум элин талар бу магар ёғи молидур.

Рашк ўлтуур меники жаҳонда қул этгучи,
Шаклу шамойили била ҳусну жамолидур.

Тун кеча ҳусни талъатидин тонғға қолди ой,
Туш бўлса кун юзига нишон заволидур.

Кулса адамға майл қилур ҳечкора жон,
Күнглумни сўзга қайғуси фикри маҳолидур.

Эл билмасун деб ўртада жондур баҳонае,
Биллоҳ, мени тирик тутадурғон хаёлидур.

Лутфий эткали оғзию бели васфини
Холи очунда барча аниңг қийлу қолидур.

* * *

Ростлиқ ҳаққи, мухолиф бўлмадим ҳеч, эй нигор,
Най бикин бағрим тешиб ингратма мени зор-зор.

Хизматингда боғладим белимни, бармоқ кўз уза,
Мен қабул эттим нафас ҳар неча бўлсам хор-хор.

Чангдек қаддим неча жаврунг элиндин бўлди ҳам,
Нола йўқ, аъзом уза гар бўлса ҳар раг тор-тор.

Ул турунжи ғабғабу, бодом кўзунг ҳурмати,
Олма душман сўзину кўнглум элига солма нор.

Ич бўлуб нокас рақибим, тош бўлди ўрнумиз,
Эшикингда итча ҳам бўлмоди бизга эътибор.

Эшикингиз тупроғиндин гард ўлуб учсун таним,
Мендин ўлтурғунча нозук хотирингизга ғубор.

Ҳар жафоким келса сендин Лутфийға миннат, вале
Қилмаған ёзукни кечруб, қилғин андин даргузор.

* * *

Кирпукунг паштар уруб ҳар дам багирдин қоп олур,
Мехр этар жоду күзунг, түйгүнча тандин жоп олур.

Гарчи душвор ўл азиз жоп бермак одам ўглига,
Гамзантта қылғын таффаррұжким, не хүш осоп олур.

Ногаҳон бир қун куларда дур тишиңгни күргали,
Ҳар кече икки күзумдин юз сабақ уммон олур.

Жон сениңгдур, таң даги, сан хоҳ күйдур, хоҳ ол,
Мұтакид қул шохидин тан-жоп била фармон олур.

Шевангиз қасд этти күнглум олса, қўймин топмади,
Лутфий құлнинг англасам жопинг анга товоң олур.

* * *

Чеҳрадин бурқаъму олдунг, моҳи тобон кўрнадур?
Ё габассум айладингму, сурати жон кўрнадур?

Үйқуда эркан магар зулфунгни тогитти сабо,
Ким бирор юмсам кўзум, тушум паришон кўрнадур.

Майл қилғоли кўзум унноб янглиғ ирнинга,
Толеим аҳкоми ичра дам-бадам қон кўрнадур.

Тун кеча ўн тўрт тунги ойни кўрмишдур юзунг,
Ушибу кун ойнинг жамоли ичра нуқсон кўрнадур.

Кўз кўра ўлгурмак одам ўғлини душвор эрур,
Недин ул ғамзаніта мундоқ сахлу осон кўрнадур.

Рост қилди худ висолинг ганжина кўнглум уйин,
Охири фикр этсам онинг иши вайрон кўрнадур.

Кўргали тишинг била ирнингни Лутфийнинг қўзи,
Кирнуки устида ҳар дам дурру маржон кўрнадур.

* * *

Ҳаммомға азм айлагач ул шўхи ситамгар,
Ҳаммом юзи акси била бўлди мунаавар.

Гултек танидин чунки арак бўлди равона,
Ҳаммом гуlob иси била бўлди муаттар.

Сув ғайратиндинким таниға тегди дамо-дам,
Жоним бори сув бўлди-ю, ҳолим дағи абтар.

Эй кошки, мен бўлғай эдим олида ходим,
То васл туни бўлғай эди бизга мұяссар.

Кавсар суви, жаннат гули олтун тароф олғоч,
Хурлар келур эрдилар анга бўлғали чокар.

Бу Лутфийнинг оҳи ўти қўзи ёшидиндур,
Ҳаммомнинг ўтию суви тушмас анга бовар.

* * *

Неча бағрим ўт уза нортек янгоқинг күйдуур?

Неча жоним жавҳарин сиймтек сақоқинг күйдуур?

Неча меҳроб ичра мени ҳар кеча тонгға бикин

Шамътек боштин-оёқ ул жуфту тоқинг күйдуур?

Қошу кўзу зулфу юзу қоматинг қасдимдадур,

Қайсими айтай, мени боштин-оёқинг күйдуур.

Ҳажр ўти бирла рақиб жаври бағирни күйдуруб,

Қолғанин гаҳ-гаҳ бирор ҳол сўрмамоқинг күйдуур.

Куймади ишқинг ўтинда чун сипандондек вужуд,

Ложарам уddeк ани ҳоли фироқинг күйдуур.

Етмас эрди бизга ул филфил янгоқинг ўтида,

Ким яна афсун била жоду қароқинг күйдуур?

Ўт агар сувни куюрмас бўлса, эй жони жаҳон,

Не учун бу Лутфийнинг жонин дудоқинг күйдуур?

* * *

Е раб, ул дилбар малак ё хур, ёхуд жон эрур,
Хақ назар ондин күтартмас, халқ анга ҳайрон эрур.

Шаккар оғзингким кичиклика ёшурди заррани,
Ул қуёш юз узра гаҳ пайдоу гаҳ пинҳон эрур.

Ою кун юзунг била лоф урсалар, йўқтур ажаб,
Оре, лоф урмоқ йироқтин барчаға осон эрур.

Оғзинг ўлтурди табассум бирла бизни, тонмағил,
Гар киши ўлтурмаса, ул не учун пинҳон эрур?

Кўймағил ҳар дам рақибимни қошингда, сур, бегим,
Ким қутур итнинг дамидин барчаға нуксон эрур.

Гарчи зулфунг чинида кофир бўлиб эрди кўнгул,
Бурқаъ олғил чехрадинким толиби имон эрур.

Даври ҳуснунгда жафо бирла бу Лутфий кўнглин ол,
Едгори ҳусн, оре, дуняда эҳсон эрур.

* * *

Үтлүк күзүнгни күргали багрим кабоб эрур,
Сиздин не ёшурай, күңгүл иши хароб эрур.

Йигларманың эшикингде, очилмас не бобдин?
Ёмғур ёгарда қоида, чун фатҳи боб эрур.

Ул юзу зулф учун ўлайин менки олида,
Жаппарат гули бишашаси беобу тоб эрур.

Кувламагил мени эшикингдинки дам-бадам
Шавқ ўлтуур, не ҳожати мунча шитоб эрур.

Маншур ости юз сори даъвойи ҳусн учун,
Кун гардининде зулфики, молик рикоб эрур.

Бошингдин эврүлур садқа бўлгали қамар,
Банданг дурур агар маҳу гар офтоб эрур.

Сув элти борса мен кўзи гирёнга боқмагай,
Кун чошттоҳда кўзиким масти хоб эрур.

Лутфий, хаёли бирла йироқтин сабур бўл,
Ул пок этаклик асру чу оли жаноб эрур.

* * *

Нечаки жавр қилурсан, вафодин ортуқ эрур,
Карамки ўзгага қилсанг, жафодин ортуқ эрур.

Эшикингиздин йироқ бўлса кўз эрур гирён,
Изинг тўзи манга юз гўгиёдин ортуқ эрур.

Шаккар киби манга дашномингиз келур ширин.
Не шукр этай ангаким, дуодин ортуқ эрур.

Нечук табибға дардингизни айттайин охир,
Ки дардингиз манга юз минг даводин ортуқ эрур.

Сочингни истаса Лугфий хаста, ёзнурма,
Ҳаво йўлинда чу мушкин сабодин ортуқ эрур.

* * *

Ишқи жаҳонни ўртади, бу не бало жамол эрур,
Ҳадди башар дагулким, ул партави лоязол эрур.

Ҳуру фариштау пари ҳусни анга шабих эмас,
Ваҳдат учун далил ўшул сурати бемисол эрур.

Ой юзию узун сочи фикрида умр хуш кечар,
Ман билурам доғи қўнгулким бу не моҳу сол эрур,

Бир қона қўргали юзун умр тилар қўнгул, вале
Хизр ҳаёти бирла ҳам қонмоғ иши маҳол эрур.

То назар айлади қуёш талъатининг камолина,
Ўзгага бўлса бир ўлим кунда анга завол эрур.

Белию оғзи рамзидин сўз бор учун гумон била,
Мўйшикофу хурдабин ичра бу қийлу қол эрур.

Кўрмаса юзуни ўлар Лутфий, кўрса ҳам доги,
Ишқи жунунидин анга кўрки не турфа ҳол эрур.

* * *

Юзунгизда ўғон нури аёндур,
Күзунгиз фитнаи охир замондур.

Қошинг, ирнинг, юзунг, эй рашки ризвон,
Хилолу кавсару боғи жинондур.

Мени севди дебон ёзғурмагилким,
Сени ким севмаса дингә зиёңдур.

Сенинг ширин дудогинг ҳасратидин
Мұхыблар жони суву бағри қондур.

Лабимга етти жон, ирнимга еткур —
Лабингниким, манга пайванди жондур.

Не ғам гар дарду ҳасрат бирла ўлсам,
Чу дилбар ўлғонимдин шодмондур.

Фироқинг тўқти бир дам ичра қоним,
Ажал етса кишига бир замондур.

Бу Лутфий жони оғзи сори борди,
Мақоми рух, оре ломакондур.

* * *

Бўлди баҳору жон қуши ул ён ҳаво қилур,
Ҳар неча ул нигори суманбар жафо қилур.

Гар қилмаса вафо манга дилбар, ажаб дагул,
Умри азиз кимга жаҳонда вафо қилур?

Бошинга мен сафо берайин дер қилич била,
Жавр этмас эрди меҳр учун, эмди сафо қилур.

Кўз бўйнида дурур мени бечоранинг қони,
Хублар била мени чу ўшул ошно қилур.

Юзунг сифоти Лутфий сўзин нозук айлади,
Гул садқаси дурур, неки булбул наво қилур!

* * *

Бұлмаса гар ул санами гулъузор,
Бизга хазонтек ұла бу павбаҳор.

Ердин агар келса қилич бопшыма,
Зарра фироқ этмагамен ихтиёр.

Йұлида тупроқ ўлайин от учун,
То манға қилгай гузар ул шаҳсувор

Қопи учун жон берурам, дүстлар!
Ток қўпорингиз ёсогонда мазор.

Ёлгуз эмас, Лутфийким, ул гул учун
Нолау фарёл қилур сад ҳазор.

* * *

Ҳаргақки, кеши жуббани ул дилрабо кияр,
Гүёки тун либосини моҳи само кияр.

Насрин ажаб дагулмуки, сунбул кияр либос,
Эрмасму тонгки, Чин бути мушки Хито кияр.

Кўнглакка инжу тўпчи мунунгтек не хуб эмиш,
Ёхуд келур латиф неким маҳлиқо кияр.

Ул тоши садаф сабз юрик айшлар қилур,
Давлаглиқ ул нимаким они подшо кияр.

Ашҳаб нечун аранг кўтарур нозанин бўйи,
Ул руҳдек бадан била тўн мунтаҳо кияр.

Жон кўнглаки қабо бўлур, албаттга, гунчадек,
Юз оли бирла андаки, гулгун қабо кияр.

Баским қошинда Лугфий бикин олами ўлар,
Ушшоқ мотаминда ўшул кўзи қаро кияр.

* * *

Қачонки куртай зар ул маҳи мунир кияр,
Биайнихи эрур ул ҳурким ҳарир кияр.

Не тарҳ нимтана чиқмиш ул балолик түн
Ки чуст жилва қилурға ани қасир кияр.

Чу остең тани кеш жубба кийса ақл айттур;
“Пари күрүнгки, нечук мушк ила абири кияр”

Қадам босарда тұқулур туман карашмау ноз
Не ранг ўтукки, ани ёри дилпазир кияр.

Либоси рангини билмон йўлуқса ҳайраттин,
Анинг кибики түн ул чусту беназир кияр.

Либоси ҳуснидин ой даврунгизда ори учун,
Қабои ориятини ҳар ойда бир кияр.

Бўлур юзунг ғамидин чок-чок гул янглиқ,
Не хирқаеким, ани Лутфийи факир кияр.

* * *

Жонни меҳрингта азал субхинда мойил қилдилар,
Ҳар не қилдилар, ўшул шаклу шамойил қилдилар.

Е раб, ул туррангму ёхуд дуди оҳимдур менинг,
Е магар ашҳабни эгнингта ҳамойил қилдилар.

Ул қуёш қурси учун бир лабқа мунглук бўлғали,
Кўзларимни ёшини юз сори сойил қилдилар.

Шасти зулфунг иқдини тутмоқда мушкул қолдилар,
Ҳалқаи дарс аҳлиним, ҳалли масойил қилдилар.

Аҳсани тақвими исботина равшан важҳ ила,
Орази ойтек жабинингни далойил қилдилар.

Тухмати маъшуқлиқни ўзгага ёпмоқ учун,
Юз сари партав солиб ошиқни мойил қилдилар.

Андаким ғамзангни сармасти майи ноб айладинг,
Лутфийи соҳибназардин ақл зойил қилдилар.

* * *

Сузларда қачонким күзи қоши била ўйнар,
Хар гүшада юз минг киши боши била ўйнар.

Нун қоши учун баҳр қилиб ер юзини күз,
Ул моҳи күзум мардуми ёши била ўйнар.

Шатранжи латофатни утар нечаким ул ой,
Рух тарҳ бериб, чарх қуёши била ўйнар.

Күргузса қаро, барҳам урад Чину Хитони,
Күз устидаги холи чу қоши била ўйнар.

Жон нақдини күзунг қошида ўйнаса, Лутфий,
Айб этмаким, ул ғамза кенгоши била ўйнар.

* * *

Эй күз, юзига боку даги нури сафони күр,
Лаъли лабида хаста кўнгулга шифони күр.

Жоннинг видойидур кўз учи марҳабосида,
Жондин иликни юв, даги ул марҳабони күр.

Кўнглум эшиги иғларининг маисабин тилар,
Хонлиқ тилар, бу ҳиммати олий гадони күр.

Кўз ёши қатрадин санам ортинча тинмади,
Жон бермади, бу кўнгли қаттиқ мубталони күр.

Зулфи агарчи куфру залолатта дол эрур,
Ойдек юзига боққилу нури худони күр.

Мажнун киби йўлингда мени имтиҳон учун,
Турғуз абадга текру, мендин вафони күр.

Сиймтек сақоқининг меңги куйдурди Лугфийни,
Даври қамарнинг охирида бу балони күр.

* * *

Нортек янгоқларингки фирмавс боғидур,
Шамъи фалак демонки, тажалли чарогидур.

Дунёким эрди мен киби шаҳбоз қудсиға,
Бизни балоға солгучи зулфунг тузогидур.

Зулфунг чу бош күтарди, бузулди кўнгул эви,
Қайдин тоңилсун амнки булғоғ чоғидур.

Махмур кўзларинг киби масғ айлаган мени,
Шул соқии аласғ ичурган аёғидур.

Кўз устида тутиб неча ёшни оғирласам,
Элга тақар мению ҳамул хуни ёғидур.

Лутфийға ҳажр юкини қилма ҳаволаким,
Андин қил учи минг Ухуду Қоф тогидур.

* * *

Ҳалқа-ҳалқа зулфиким ул моҳи тобонинدادур,
Чинға боқсам долдек хуршеднинг ёнинدادур.

Порсо мусҳаф юзун кўрса, равон жон вақф этар,
Дилраболик ояти гўё аниңг шонинدادур.

Зарратек тор оғзидин қайдин топилсун бизга ком
Ким, калом аҳли ақал дерларки йўқ сонинدادур.

Ғолибоким, Юсуфи Мисрий тушунда кўрмади,
Ул ҳаловатларки, лаъли шаккарафшонинدادур.

Бир қатиг жонлиқ жаҳонда кўрмадим кўнглум бикин
Ким, чекар жавру бурунки аҳду паймонинدادур,

Хублар бўлмас мунингтек шўх-шангу дилрабо,
Бу қилиқлар барчаси ул ишванинг конинدادур.

Лутфий қул кирмас битикка кўп насиҳат қилмангиз
Ким, аниңг девона кўнгли ишқ фармонинدادур.

* * *

Сенсиз эмгак соридин бир дамни жон минг йил санар,
Умр ўшулдурким санар, дилдор эшигинда кечар.

Элтти зулфунг кўнглумизни-ю, сару пой айлади,
Уғриси дерларки кунлук бўлса ичини енгар.

Заъфим ул ерга етибтурким мени эл тонимас,
Чун саломингни кетурса, бизга еткурмай ўтар.

Куйса афлок этаги меҳрим ўтиндин, не ажаб,
Узгаларнинг этаги куйса, менинг жоним куяр.

Сўзламак бўлди битик бирлаю кўрмак уйқуда,
Кўрқарамким, Лутфий ҳоли бўлмагай мундин батар.

* * *

Елпина чикса бўйи сарвдин хирож тилар,
Хўтан чечакларидин зулфи бож тилар.

Аёғи хоки учун остона ястанали,
Гадой ҳимматини кўр, не тахту тож тилар,

Сенинг отинг била олтун сунуб чаман хони,
Юзун қизил қилуру ҳуснуна ривож тилар.

Сочинг тушти кўнгул, чехра андин истармен,
Коронѓуда нима етса киши, сирож тилар.

Дудоғи акси эрур восита мувожаҳада
Юрак қони ёши ила улки, интизож тилар.

Ғараз бу софи кўнгулда хаёли оразидур,
Гулобнинг жиҳатидин киши зужож тилар.

Табассумини ҳавас киласа Лутфий, айб этманг,
Кўнгул икига шифо истару илож тилар.

* * *

Этак йигиб юрса, жилvasи бало қиладур,
Утарда енг солини элни мубтало қиладур.

Билурму, ё раб, ўшул ойки зулфи савдоси,
Жаҳонни кеча манга дор ибтило қиладур.

Чи жойи зуҳдеки, майхона гўшаси сори
Салоҳ аҳлини усрук кўзи сало қиладур.

Эрур жаҳон кўзидин гунча оғзитек маҳфий,
Дудоги жонима улким, куло-куло қиладур.

Балоу фитнага Лутфий қолибтур ондинким,
Нигоҳи фигнау боқмаслиги бало қиладур.

* * *

Қоба қавсайни мақоминда күзунг қон қиласадур,
Хар дам ул күнгли қаро қасди мусулмон қиласадур.

Кун юзунг олидаги зулф кибидур зулумот,
Кимки ой деса сени, ҳуснинга бўхтон қиласадур.

Қиё боқмоқда агар қилмаса қон жоду күзунг,
Гўшада не учун ой ўзини шинҳон қиласадур?

Гарчи жон аччиғи душвор эрур одамиға,
Манга ширин дудоғинг хандаси осон қиласадур.

Аҳли савдоға қилур бўлса, татаввул турранг,
Бошта кўнглум қора баҳтини наришон қиласадур.

Чилла бир кўрган учун зоҳиди меҳробнишин,
Қошларинг ёси учун жонини қурбон қиласадур.

Жон берур Лутфи-ю, йўқтур севариндин гиласи,
Хар не бедоду ситам жонига ҳижрон қиласадур.

* * *

Ишк ахлина ҳаргахки қошинг тоқи курунур,
Мехробда майхонау ҳам соқи күрунур.

Кузга қачон илсун мени ўлтурғали ғамзант,
Саф-саф чу туман ошики муштоқи күрунур.

Гул васфи юзунгни магар азбар қиладур субҳ
Ким, тебранур олиндау авроқи күрунур.

Қонимға қарортти қўз, ўшул жоду қароқким,
Бир ўқ отими ердин аниңг оқи күрунур.

Чун ҳосили умрини ҳисоб айласа Лутфий,
Дарди дил изофат, доғи ғам боқий күрунур.

* * *

Усрук күзунг карашма била чун қиё боқар,
Хар гүшадин бу хаста күнгулга бало боқар.

Бир сен киби жафочи-ю, айёра йўқ турур,
Хублар ичинда, нечаки бу бенаво боқар.

Кўзум қумуш билакларина тушса не ажаб,
Сойил ҳамиша бой кишининг илгино боқар.

Бу тўймагур кўзумға тураган кўрмаган киби,
Ойтек юзига нечаки бу мубтало боқар.

Ўлтурма ноз бирла, менинг сори боқма деб,
Бу инжа қулниким, санга эй подшо, боқар.

Эл билмасун, деб ул қора кўз лутф или манга,
Ўғрин боқарни ўргатур учун қиё боқар.

Хар бир назарда ўлтурадур Лутфийни кўзунг,
Давлат кишига боқса, доғи мунтаҳо боқар.

* * *

Бўз отлиғ ул санамки жаҳоннинг сафосидур,
Ошиқ кишининг отлиғу човлиқ балосидур.

Ишқи йўлида гарчи хатарлар ўкуш турур,
Ҳар бир нигоҳи аҳли назар хунбаҳосидур.

Ўз ҳаддиға ярашу чу ёр этмас ихтиёр,
Ишқ ўти ҳар не қилса, кўнгулнинг сазосидур.

Юзга келиб чақар мени оламға қўз ёши,
Юз дарди сарға қўйғон аниңг можаросидур.

Мехробдек қошина назар қилғоли бери,
Пайваста вирди Лутфий ул ойнинг дуосидур.

* * *

Наргис күзүнгининг ўхшашы қайси чаманда бор?
Юзунг таровати қачон, эй гул, суманда бор?

Гулда топилмаса, не ажаб, қаддинга мисол,
Қадиңгининг истиқоматиму порваңда бор.

Белингни йўқ деса кипши, ҳеч сўз анда йўқ,
Оғзунгни бор деса ва лекин сўз анда бор.

Юзунг қуёш дедим, шакартек ирнинги май,
Хуршид ичинда зарраи ширини қандада бор.

Инжу тишиңг била шакар ирнинг мушибиҳи,
Дурри ақиқ на Адану на Яманда бор.

Тийлатти ақли кул ўзинг, оғзунг, юзунг кўруб,
Чун ояти-ю, нукта бу сирри алаңда бор.

Ёлгуз Ҳирийда йўқким, аниңг зулфи васфидা,
Шеъринг шиори, Лутфий, Хитою Ҳўтандада бор.

* * *

Еғлиқ тегар лабинита, не фархунда фоли бор,
Мен мубталои ҳажру аниңг хүщ висоли бор.

Тегса юзунга бехуд ўлуб ерга бош қўяр,
Еғлиқ бошингда ўзга не мушқул хаёли бор?

Кирнук игнаси била таҳрир этар кўзум,
Ул ёғлиқким иликинг била иттилоси бор.

Еғлиқни кўп юзунга яқин тутма, фикр қил,
Партав чу солса катоннинг заволи бор.

Ҳар лаҳза ёғлигингта аракдин сенар гулоб,
Гултек юзунгким, анда латофат камоли бор.

Жон Мисрина кириб дили меҳнаткашидадин
Сўргилки, ёғлигин жасадинда не ҳоли бор! ,

Еғлиқ ўпар лабингни-ю, ул ҳам хаёл ила,
Фикр айла, Лугфийни на ҳалду мажоли бор.

* * *

Қадингнинг нахли, эй сарви сарафroz,
Ниҳоли дилраболиктур, бари – ноз.

Сенинг ғамзант ballo бўлди кўнгулга,
Балоантез эрур ҳар қайда ғаммоз.

Қачон тексун юзунг сориғ юзумға,
Ковушмайтур хазон бирла бале, ёз.

Учар руҳим сенинг юзунгни кўрсам,
Бале, булбул қилур гул сори парвоз.

Кўзунг кўп элни элтур тўғри йўлдин,
Сенинг йўлингда бўлғай озмағон оз.

Масиҳо, бир нима борким кўрунмас,
Дудогинг қилғали, жон бермак оғоз.

Итим деб Лутфийни, шоҳим, ўкарсен,
Ҳамин бўлғай тадоға ҳадди эъзоз.

* * *

Жону кўнгул кишварининг хонисиз,
Ҳусну латофат танининг жонисиз.

Ваҳки, не хуш толеи мастьуди бор,
Ул фалакеким, маҳи тобонисиз?

Бизни сучук сўзларингиз қилди сайд,
Сиз бу оғиз бирла шакар конисиз.

Жону кўнгул ичра урарсиз қадам,
Қайси чаман сарви хиромонисиз?

Шевада оники тўкар эл қони,
Хуни тутиб, сиз эй бегим, онисиз.

Мангу яшар кимки кўрар сизни бир,
Ваҳ, не Хизр чашмаи ҳайвонисиз.

Лутфийи мискинга бу ҳижрон туни
Раҳм қилинг, гарчики султонисиз.

* * *

Ул сониъики, хилқат ичин қилди қошу күз,
Хеч кимга сенча бермади айёра қошу күз.

Ҳайрон қолур юзунгда күзу ёш хабар берур,
Бўлди манинг жонимға балотек ёшу күз.

Қолса юзунгда күз, не ажаб, хираким назар,
Қосир эрур чу бўлса муқобил қуёшу күз.

Севди кўнгул сению кўзум сочти дурри ашк,
Сирримни олам ичра кўнгул қилди фошу кўз.

Ул кўз, оғизни Лутфий демас нарғису набот,
Оғзинг кўзунг қошинда аларға не бошу кўз.

* * *

Сенинг ширии лабинг жондин қолишмас
Сочингниң күфри имондин қолишмас.

Хито турки аниңким неча бўлса,
Кўзунгниң шеваси оңдин қолишмас.

Равомудур мени ўлтурса ташна,
Лабингким оби ҳайвондин қолишмас.

Кўзумниң ёшидин иймангил охир,
Ки ҳар бир мавжи тўфондин қолишмас.

Эшикинг итина ким бўлса йўлдош,
Онинг иқболи султондин қолишмас.

Езуктур, тўқмасин ёшимни лаълинг,
Ким ушбу ол ёшим қондин қолишмас.

Улугбекхон билур Лутфий камолин,
Ки рангин шеъри Салмондин қолишмас.

* * *

Жон ҳасрат ила күйди-ю, дилдор топилмас,
Барча топилур, бизга вале ёр топилмас.

Гул келди юзунг давридаким ҳусн сотай деб,
Айланди-ю, ҳеч ерда харидор топилмас.

Анёр бикин жону күнгил кетти қошимдин,
Ғамдек манга бир ёри вафодор топилмас.

Эй соқийи мажлис, сол иликтин қадаҳу жом,
Ким кўзларининг даврида ҳушёр топилмас.

Дедимки: “Рақибимни қошингдин кўтар”. Айтур:
“Бир гул қаниким, олида юз хор топилмас?”

Эй ҳажр, кўтар ёш ила кўзум қорасини,
Кўзни нетайин давлати дийдор топилмас.

Қил муҳр оғиз хотамидин Лутфийнинг оғзин
Ким дуняда бир маҳрами асрор топилмас.

* * *

Дилбар әшигингда турса бўлмас,
Буркаъсиз ул ойни курса бўлмас.

Қонимни тўкар лаби ёзуқсиз,
Андин нетайинки, сўрса бўлмас.

Бир дам рақиб илгидин, қошинда
Кўз ёши менгизли турса бўлмас.

Эл юзига боксалар ўлармен,
Хур shedни нетай, ёшурса бўлмас.

Ишқ ўтида Лутфий, йиглама кўп,
Сув бирла они ўчурса бўлмас.

* * *

Дилбар соғинмағон жиҳати бу фироқ әмиш,
“Күздин йироқ бўлса кўнгулдин йироқ” әмиш.

Тинмас хаёли кейинча кўз ёши қатрадин,
Юз сорина юргургучи гулгун буроқ әмиш.

Бўлмас висол бирла кўнгул дарду доғи кам,
Ул тўймағурда, вах, не бало иштиёқ әмиш.

Қон боғлади жигарлари ул ғамза саҳмидин,
Чину Хитода нечаки оху қароқ әмиш.

Ёйдек бўюмни эгди қошинг бори ғам била,
Ким эгрилиқда даври қамар ичра тоқ әмиш.

Бузди қаро черик била кўнглум вилоятин,
Ул кўзки, турклардек иши таламоқ әмиш.

Лутфий, Ҳирийда колмади шеърингга муштари,
Азми Ҳижоз қилки, мақоминг Ироқ әмиш.

* * *

Мен хаста қонина камар соҳибжамоле боғламиш,
Қасди ғарибе айламиш, нозукхаёле боғламиш.

Илми назар ичра кўзум дарё агар булмайдурур,
Кирпуклар узра қондин ул маншури оле боғламиш.

Чавгони зулфи дол эрур, мен гўйтек саргаштамен,
Сўфи ўзига зарқ ила гар важду ҳоле боғламиш.

Девона бўлсам не ажаб мундоқки қошинг тоқидин,
Қудрат эли хуршид уза мушкин ҳилоле боғламиш.

Гулким сифинмиш ғунчаға, сендин дуурур андишаси,
Юз парда, яъни важҳ уза беинфииоле боғламиш.

Ул ой хаёли кечгали сели сиришким мавжидин,
Кирпук комишиндин кўзум ҳар сори соле боғламиш.

Мушкин сочу тор оғзидин Лутфий күшод истар, вале
Фикри хатодур англадим, нақши маҳоле боғламиш.

* * *

То жамолингдин түштүрмөн ямон күздек йирок,
Бу тирикликтин күрарман күп ажални яхшироқ.

Ёш фарзандин югуртуб юз сори ҳар дам күзум,
Чун сенинг изингни топмай чоптуур гулгүн бурок.

Қопларинг ёдида күп мөхробқа қаршу туруб,
Фол туттим, келди фолим тох жуфту тох тоқ.

Оху вовайлоу ўртамагу ўлмак оти — ҳажр.
Хасрату ранжу аноу дарду гам оти — фирок.

Ерга кирсам кошки, чун етмас ул ойга илик,
Мушкул ахволе тушубдур: “Ер қатиқу күк йирок”.

Фурқатингда түкти, шохим, күзларим дурри ятим,
Ул адокингә түшүб ҳолини айтса, тут қулоқ.

Солди Туркистан элига Лутфийни кофир күзинг,
Не мажоли борки қылса рост оҳангы Ироқ.

* * *

Ўлтуур хижрон мени ул роҳати жондин йироқ,
Тушмасун гул мавсуми ҳеч кимса жонондин йироқ.

Ёз фасликим эрур айшу тарабнинг мавсуми,
Солди булбултек мени гардун гулистондин йироқ.

Лолатек бағримда доғ эрди, ажабким қолмишам
Бир суманбар юзи гул сарви хиромондин йироқ.

Дўстларнинг кўнгли гултек очилиб гулгашт аро,
Мен мунунгдек ёзида ул айшу жавлондин йироқ.

Эй кўнгул, ҳасратта жон бергил, дағи васл истама.
Ким, эрур меҳру вафо ул шоҳи хубондин йироқ.

Кўркнинг боғинда йиғмиш маҳвашим гул хирмани,
Бир нафас ул важҳ ила эрмасман ағондин йироқ.

Лутфий зулфу юзудин ҳайрат мақоминда гушуб,
Бир ажиб оламда қолмиш куфру имондин йироқ.

* * *

Күнгүл то оразингә бўлди муштоқ,
Кўзумда гаҳ қизил гулдур, гаҳи оқ.

Мени куйдурғали ул кўзи ўтлук,
Кўнгулни тош этар, ғамзани чақмоқ.

Шакардур ул оғиз ё писта билмон,
Дудоғингдин эмастур айб сўрмоқ.

Фироқингда тўкайин ёш нақдин,
Қаро куналар учундур оқ ёрмоқ.

Ақиқингни сўрайин десам, айтур:
“Ямон андишалиқни фикрина боқ”.

Тилааб кўнглум сенинг оғзингни топмас,
Кичик учун магар ўйнар ёшунмоқ.

Сенинг ишқинг кучиндин Лутфий сўзи
Жамолинг жови янглиқ тутти оғоқ.

* * *

Нортек ёнокларинг киби шамъ анжуманда йўқ,
Сарви қадинг менгизли санубар чаманда йўқ.

Сенсиз чаманда, ёр, очилмас кўнгул бале,
Нозу карашма сарву гулу ёсуманда йўқ.

Ҳар дам жамолинг ортару ҳуснинга йўқ назир,
Мехру вафо дарифки, эй умр, санда йўқ.

Юзунгни гул чу топмади кўнглакни қилди чок,
Юсуфнинг иди, ореки, ҳар пираханда йўқ.

Жоним чиқар жамолингға қилганда бир назар,
Дардоки, боққали яна бир жон баданда йўқ.

Қўйғул хато йўлин дағи мушк издама, сабо,
Чин сочидек чу мушк Хитоу Ҳўтандада йўқ.

Тишинг дурини Лутфий сифат килғали бери,
Бир дур киймати сўзи янглиқ Аданда йўқ.

* * *

Ул сиймтанки, рух анингтек латиф йўқ,
Гар хулла бўлмаса анга кўнглак зариф йўқ.

Ойтек юзунгни кўрди шараф ичра офтоб,
Сентек жаҳонда дедики, зоти шариф йўқ.

Ошиққа жон бағишлиар ўшул кўз боқиш била,
Усруклар ичра кўзунга ҳеч ким ҳариф йўқ.

Гар мустаҳиқ тиларсан, аё шоҳ, закот учун,
Ментек жаҳонда ҳеч гадои заиф йўқ.

Қилғай не тил била сенинг оғзингни Лутфий васф,
Чун тор эрур қавофи-ю, бўлди радиф йўқ.

* * *

Оху кўзунг ким ўзида бир дам қарори йўқ,
Бир гўша йўқки дуняда юз минг шикори йўқ.

Ё рабки, умр хушлигидин не кўруб гурур,
Бечораеки сентек анишг фамгузори йўқ.

Майдонга гўйи ҳусн фалак солголи бери,
Кун гардишинда сен киби чобуксувори йўқ.

Кўзунг гизоласи кезар ул лолазор аро
Ким, равзанинг анишг киби хуш лолазори йўқ.

Хони висолидин манга тегмас паволае
Ким, мавти аҳмар отлиг анишг интизори йўқ.

Кўз ўйнатиб кўнгулни қилур ихтиёrsиз,
Ҳеч кимнинг онча ўз кўзина ихтиёри йўқ.

Ич бўлголи рақиб, турур Лутфийни ўрни том,
Ошиқнинг итича ҳам қошида эътибори йўқ.

* * *

Бизга недин ул оху қароқнинг назари йўқ,
Шишлианса бағир, куйса юрак ҳам хабари йўқ.

Ҳаргиз қадидин топмади жон меваи мақсуд,
Ул сарв дурур, сарвнинг оре, самари йўқ.

Ҳайфим келур ул ойники, оҳ ўтина ёқсан,
Сиз ўйла соғинмангким, оҳимнинг асари йўқ.

Васлингни дуо бирла сахар истагай эрдим,
Эйвойки, ҳижрон кечасининг сахари йўқ.

Лутфийни севар деб мени кўп қувламагилким,
Жондин гузари бордуру сиздин гузари йўқ.

* * *

Эй сенинг жавру жафонг меҳру вафодин яхшироқ,
Ул сенинг ойтек юзунг бўлсун ямон кўздин йироқ.

Ҳусн элиндин ток эрур меҳробтек икки қошинг,
Кўрмади ер юзуни кезган мунингтек жуфтум ток.

Кечти умру кирмади тушта хаёлинг бир кеча,
Қўйнимизда, қайдадир ул баҳтким, киргай қўноқ.

Ҳар ямон сўзи била ўлтурма бизни хору зор,
Расм эрур шоҳлар вафолик қулни яхши асрамоқ.

Ҳар саҳар “ё раб”дин илкимни кўтарсанм йиғлаю,
Ўртанур оҳим ўтишдин етти фирозиравоқ.

Лутфий кўнгли баҳридин васфинг дурин дарж айлади,
Бир замон неча оғир келса, анга тутқин қулоқ.

* * *

Ишқ түшса ҳар күнгүлга, дарду ғамдин чора йўқ,
Етса чун наштар жароҳатка аламдин чора йўқ.

Эй вужуд, ул тор оғиздин ҳеч бўлсанг, не ажаб,
Ушбу йўлда юруганларга адамдин чора йўқ.

Бир тутуб зулфунгни юз минг заҳр топдим зулмидин,
Оре-ореким, йилон тутқанга самдин чора йўқ.

Юзунга боқсам кўзум ёшин кўруб айб этмагил,
Ёз булути бўлса пайдо, гулга намдин чора йўқ.

Мен бу савдода надоматтин угун суд кўрмадим,
Ким тижоратда зиён қилса, надамдин чора йўқ.

Ой юзунга зулф ўзин солса не тонг бўлғай, vale
Тун узун бўлса нечаким, субҳидамдин чора йўқ.

Эшикингдин қувлама, бу Лутфийнинг журмин кечур,
Ким бу боб ичра каримларга карамдин чора йўқ.

* * *

Иликка кунни кивурса булур, vale сени йүк,
Йироқдин ойни күрса бўлур, vale сени йүк.

Зиҳи мизожки ҳар нечаким шакар лаб бор,
Кишининг отини сўрса бўлур, vale сени йүк.

Не суд уд киби қуйганимки, анбар ила,
Равон парини кетурса бўлур, vale сени йүк.

Не бок бўлур ушбуки, Зухрани қўктин
Азойим ила тушурса бўлур, vale сени йүк.

Бу Лутфий тинмаса то ёнмаса, ажаб йўқким,
Жаҳонни кўрмай ўтурса бўлур, vale сени йўқ.

* * *

Қароқчи кўзининг ул оли кўп қаросина боқ,
Кумуш сепоянинг устиндаги икки ёсина боқ.

Агар далил тиларсан Масихнинг дамина,
Табассум ичра анинг лаъли жонфизосина боқ.

Сақоқи холи мени асру мубтало қилди,
Қамарнинг охири даврипидаги балосина боқ.

Нагу борурсан иликтин дема, гунохим йўқ,
Кўз учи бирла ўтар чоғда марҳабосина боқ.

Келиб муқобила қилгин муважжаҳу равшан,
Юз узра икки кўзум ёши можаросина боқ.

Юзунгда нури тажалли, лабингда жавҳари рух,
Муойина кўрадурмен, кўнгул сафосина боқ.

Сочинг, юзунг ҳаваси ичра Лутфий сори келиб,
Қоронғу кечаги ёшу сахар дуосина боқ.

* * *

Зиҳи сарв устида юзунг қамардек,
Қани бир шохи гул сен сиймбардек.

Сенинг бирла жаҳонни хуш кўрарман,
Керакликсан манга нури басардек.

Қилур Чўллон кўзунг ҳар дам қиронлар,
Ани ким англасун соҳибназардек.

Хиромон кўрёдин чиқмадинг, оҳ!
Ёшунмишсан қамиш ичра шакардек.

Дамим чиқмас мени ўлгурса ғамзанг,
Кўзунг даврунда йўқ мен бехабардек.

Мени бу нотавонлиқ бирла зулфунг
Жаҳонда кездурур пайки саҳардек.

Кўрап ҳақ нурини юзунгда Лутфий,
Хаёли богил эрмас ўзгалардек.

* * *

Бошимға соя сол, эй сарви чолоқ.
Ки, гулдекүр ёқам ҳажр илкидин чок.

Қадам бос күз уза кирпукка боқмай,
Тикан ботмас аёққа, бўлса намнок.

Не ширин жавҳари фардедур оғзинг,
Ки қилмас ақл ани бир зарра идрок.

Жафоу ишвау фан илми ичра,
Кўзунг шогирдикур даврону афлок.

Жаҳонда нозанин кўптур ва лекин
Сенингдек кимда бордур домани пок.

Назар мендин аяр ғамзант, ажабтур,
Ким усрукларда бўлмас расми имсок.

Йироқ солғунча, ўлтур Лутфий қулни,
Масал бордурким: “Ўлмоқдин тирилмок”.

* * *

Хубларда сенингtek бир маҳбуб қани нозук,
Боштин аёки зебо, белу бадани нозук.

Нозуқлик ила олдинг күнглумни бокиб ўғрин,
Нозук кишиларингки, ҳар не қилани нозук.

Олма янгоқинг кўргач, мен баңда нечук ўлмай!
Бодом кўзи фитна, писта даҳани нозук.

Ерга тўкулур ўлғон қонни ера ҳеч тўкмай,
Бир ғамза била ул шўх ўлтурди мани нозук.

Ғамзанг ўқиға қаршу жон Лутфий ҳадаф қилди,
Номус учун гаҳ-гаҳ сен отқил ани нозук.

* * *

Эй күзүнгнинг шеваси оламни мадхүш айламак,
Зулфунг иши Чин элини ҳалқадаргүш айламак.

Белингү оғзунг хаёли бирла бўлғумдур адам
Ким, бўлур мен қулга фикри бўсу оғуш айламак.

Кўнглумиз мундоқким, ўрганди сенинг ёдинг била,
То қиёмат келмагай биздин фаромуш айламак.

Эй кўнгул, нўш айла юз минг мундаий аччиқ сўзин
Ким, керак ул лаъл учун хунобалар нўш айламак.

Ишқдин манъ этса зоҳид бўлмағил машъуф ҳеч
Ким, эрур аҳмоқ жавоби, Лутфий, хомуш айламак.

* * *

Жон мамлакатин ёқти ёнар ўтқа фироқинг,
Жон танда қачон қўйди худ ул жоду қароқинг.

Сен сақла кўнгул ҳужрасин, эй ёр хаёли,
Бу ўтта ёна ёнмасун ул пок висоқинг.

Охир, эй фалак, нолаю фарёдим эшиткил,
Ҳар неча менинг оҳим оғир қилди қулоқинг.

Эй кўз, йигидин тинмагилу бир дам уюма,
Ғафлатдин эрур баҳри ғам ичра уюмоқинг.

Бир журъани бу хаста қулинг ёдина қиля нўш,
Ул дамки эрур Зухрау гул мутрибу соқинг.

Ҳижрон ғамидин тутти кўнгулни табъи мухриқ,
Бермоди анга шарбати унноб дудоқинг.

Бу Лутфийни ўлтурғали ғамзангга буюрма,
Тақсир қачон қилди ул иш ичра қароқинг.

* * *

Неча қўйғай бағрима доғ ул юзи моҳим менинг?
Неча ёндургай фалакнинг шамъини оҳим менинг?

Йўлдин озди ногаҳон зулфун кўруб мискин кўнгул,
Йўллар эгри, тун узун, неткай бу гумроҳим менинг?

Хуш ярапур сарвгек қадди уза сийм олмаси,
Оҳким, етмас анга бу дасти кўтоҳим менинг.

Эмдиким, тупроқ бўлмишдур эшикингда таним,
Қайдалур ҳосидки, кўргай давлату жоҳим менинг.

Чарх урар хазро сародикта фалак шоҳидлари,
Хаймадин бир тунла чиқса моҳи хиргоҳим менинг.

Нолишим берди эшиги итларига дарди сар,
Авф қилғайлар карам бирла бу бeroҳим менинг.

Бўлди якто дур тиши васфинда Лутфийнинг сўзи,
Не ажаб, тутса қулогини анга шоҳим менинг.

* * *

Неча куйгай бу ёнар ўтқа заиф жоним менинг?
Қолмади сабр эттали бир зарра имконим менинг.

Кес бошимни гўйтек, хайлинг адоқи ичра сол,
Қўйма саргардон мени, эй зулфи чавгоним менинг.

Чун кишининг қонин айтурларки, ётмас, эй ажаб,
ЛАълингизда не учун мундок ётур қоним менинг?

Мақдаминга сочқоли юздин ўгун йўқ олтунум,
Бор, vale кўз баҳрида кўп дурри ғалтоним менинг.

Мен гадони нотавонлиғ бирла ўлтурди кўзунг,
Кимға бўлғай охир эй султон, бу товоним менинг?

Ою кун юлдуз киби ерга ўзин солмоқ тилар,
Чиқса хиргоҳтин бирор ул моҳи тобоним менинг.

Жон боринча қилмағай Лутфий фиғон бедодидин,
Дод ким берсун, қилур чун жавр султоним менинг.

* * *

Эй күнгүл буржинда хуршеди жақонтобим менинг,
Юзу күзүндегин йирөк йўқ хўрд ила хобим менинг.

Кибладин, ё раб, ўлар ҳолатда эврулсун юзум,
Гар сенинг қошингдин ўзга бўлса меҳробим менинг.

Чун сенинг сиймтек сақоқингдин тамаълар бўлди хом,
Неча олтун узра мавж ургай бу сиймобим менинг.

Риштаи зулфунг балолар бошима жамъ айлади,
Ул сабабдиндур паришон жумла асбобим менинг.

Эй қуёш, юзунгдин айру янги ойтек бўлмишам
Ким, қолурға ўзга йўқтур бир замон тобим менинг.

Хаста кўнглумға шифо эрди лабинг бир сўрмоғи,
Бир ани сўрдурмадунг, эй ирни уннобим менинг.

Оразинг шавқинда мундоқким оқар кўзум суви,
Лутфийдек юзни ғариқ эттай бу селобим менинг.

* * *

Фироқингға мени солди қароқинг,
На ҳожат қийнаса әмди фироғинг.

Такаббурдин билурман, тегмагай ҳеч,
Мазорим бошиға қутлуғ аёқинг.

Вале мунча умидим борки, билсанг
Ким, ўлтурди бу қулни иштиёқинг.

Бўлур жоним суву ўттек тутошур,
Чу ёдимға келур ширин дудоқинг.

На деб ҳажр илкидин сендин тилай дод,
Ки ҳижрон бирла бирдур иттифоқинг.

Ғаму ҳасрат била бошим оқарди,
Чу бир дам кўрмадим сиймтек сақоқинг.

Ҳам ул дам қуйди Лутфий шамъ янгилик
Ки кўрди ногихон нортек янгоқинг.

* * *

Эй пари рухсорлар, бизга нигоҳ айлаб ўтунг,
Бир назар бирла гадони подиоҳ айлаб ўтунг.

Гарчи ўтканда киарасиз кўп кишишинг қонина,
Бу гадо кўнгли учун мунча гуноҳ айлаб ўтунг.

Хорлик ҳаддин ошурманг, чунки иззат йўлдадур,
Отингиз наълишда бизни хоки роҳ айлаб ўтунг.

Ҳар қачон жон берсам ул қадду оғиз ёди била,
Эй муҳиблар, турбатим устинда “Оҳ!” айлаб ўтунг.

Ҳар нечаким, сизга заҳматтур, закоти ҳусн учун,
Илтифоте Лутфий сори гоҳ-гоҳ айлаб ўтунг.

* * *

Хуш ярашур юзи бирла зулфи шуртоби аниң,
Эй хуш ул тунким, тажалли бўлса маҳтоби аниң.

Кўнглумиз вайрону қопшу кўзда чиндур бу масал
Ким, “Қолур масжид агар бузулса меҳроби аниң”.

Жон адам сори қилур парвоз ширинилик била,
Қиласа сўзларда табассум шаккари ноби аниң.

Не балолик кўзи борким, ақлу дин яғмосина
Уйготур ҳар гўшадин юз фитнани хоби аниң.

Холи эрмастур менгингнинг аксидин дарё кўзум,
Турфа дарёеки анбар бўлса гирдоби аниң.

Гар эшикинг шавқини шарҳ айласам, бу фаслда,
Юз рисола чиққай ортуқ, балки ҳар боби аниң.

Ишқ Лутфийни аниңдек ҳолга еткурдиким,
Йўқтур ул ойни кўрарга тоқату тоби аниң.

* * *

Жоним чиқадур дард ила, жононима айтинг,
Мен хаста гадо ҳолини султонима айтинг.

Үртамагу күз ёшию улмак турур ишим,
Бу қиссаны ул шамъи шабистонима айтинг.

Қат-қат юрагим боғлади қон ғунча менгизлик,
Бу дарди дилимни гули хандонима айтинг.

Қон ёшим эрур юз уза юлдуз киби сонсиз,
Ул күzlари Чўлпон, маҳи тобонима айтинг.

Лутфийи дил афгор тилар ҳажр элидин дод
Аҳволини у бегимаю хонима айтинг.

* * *

Эй азалдин то абад кўнглум гирифторинг сенинг,
Чора килким, бўлди жоним асру афгоринг сенинг.

Дилбаримнинг мазҳабинда йўқ турур расми вафо,
Эй кўнгул, не ерга еткай нолаи зоринг сенинг.

Жон берур чоғда қошимфа, тенгри учун, кел, бегим,
Боре кўрмиш бўлғамен бир лаҳза дийдоринг сенинг.

Шаръ ичинда бўлса усрук, сўзига йўқ эътибор,
Конима бергай тонуқлик, икки айёринг сенинг.

Ҳар қачон Лутфийни ўлтурсанг жафо тифи била,
Анда ҳам бўлғай менинг руҳим мададкоринг сенинг.

* * *

Не нозу не ишвадур, эй жоду күзлук шүх-шант?
Кабки дарий, товуста йүк, албатта, бу рафтору ранг,

Олингда менгни құндуруб, зулфунгни күз бози била,
Күнглум ҳумоми бүйниға түйгүнча не солди ғаранг?

Ул рост қадинг сарвтек ингратти найни ҳар нафас,
Шириң лабинг оғзинг бикин қилди шакар айшини

тант.

Күрса бу бағримда менинг ул кирпукинг тилгонларин,
Хеч бўлди деб олмосни дарёга ташлагай фаранг.

Гарчи санамлар оғзини ўхшатди соғар пистаға,
Ул пуч эрур ҳеч мағзи йўқ оғзинга ўзин тутса тант.

Қон йиғламоғим дам-бадам жону жигарни куйдуур,
Үт тушкай ики кўзина бир лаҳза ҳам қилмас даранг.

Гар Лутфийни ит атасам ҳеч кўнгли қолғайму дединг?!
Не кўнгли қолибтур аниңгким, истагай номусу нанг.

* * *

Караңма бирла неча жонима жафо қилгунг;
Нечага текру мени зору мубтало қилгунг.

Ёвшити чиққали жон интизор дарди била,
Не күп, не вакт, не соатта бир даво қилгунг?

Күзүнг жафодау девоналиқтің ушбу күншул
Тамаъ тутарким, магар оқибат вафо қилгунг?

Хаёт кечти-ю, бегонамен висолингдин,
Қачон ўзинг била бу қулни опно қилгунг?

Бу ол бирлаки лаълинг габассумин күрдүм,
Ённим ақиқу чиройимни қаҳрабо қилгунг.

Игобу жабру жафога доги керак инсоф,
Айитки, неча менинг жонима жафо қилгунг?

Фироқ әмгакидин Лутфий қулни ўлди согин,
Анинг қызил қонига неча күз қаро қилгунг.

* * *

Хурлар жафоси илкидин ҳар неча бирёндур күнгүл,
Ёнмас аларнинг меҳридин, вах, не ажаб жондур күнгүл?

Ҳаддингни билмайин мени севдунг дебон ёзгурмогил,
Сен ҳам билурсан, эй бегим, бир эркли султондур
күнгүл...

Сенгек вафосиз ойдин ўз толеини йиллар кўруб
Мехру муҳаббат кўз тутар, кўрким не подондур кўнгул.

Бир лаҳза сенсиз сабр йўқ, ойларда бир дийдор ҳам,
Ортар дамо-дам шавқ ўти ишимда ҳайронлур күнгүл.

Кўнглум қаро ерга неча ўлтурсун ул зулф илкидин
Жамъ айла нозук важҳ илаким, бас паришондур
кўнгүл.

Лаъли лабинг сўрмаслиги еткурди жонға Лутфийни,
Сўз бирла кўргуз лутфим, бу қайғудин қондур кўнгүл.

* * *

Нигоро, сенсизин мандин не ҳосил?
Агар жон бўлмаса, тандин не ҳосил?

Чу гулдин ранг эмас, булбулға бўе,
Баҳору боғу гулшандин не ҳосил?

Жафоу ишваларни фан тутубсен,
Мунингтек ишваю фандин не ҳосил?

Кишиким, йўқ туур мөхру вафоси,
Агар хуршедтур, андин не ҳосил?

Бу турлук ҳусн или Лутфий қулунгға
Иноят қиласанг, сандин не ҳосил?

* * *

Эй ояти раҳмат юзунгиз шаънида нозил
Бўлғай қочаринг бирла қачон меҳр муқобил.

Сиздин керак ўрганса пари одамилиқни,
Юсуф дағи таълим керак олса шамойил.

Хорут кўзунг сеҳрини кўрди, хижил ўлди,
Андин ёшунуб ихтиёр этти чаҳи Бобил.

Ёлғуз мен эмасменму сенинг бирла гирифтор?
Ҳуснингга туурур хуру малак жон била мойил.

Ул сочмудур субҳа яқин ёхуд узун тун,
Ёғолиядин дилу кўнгулларга салосил.

Жон мусҳафиси пора бўлур қайғуда ҳар дам,
Енгил илики бўйнина то бўлди ҳамойил.

Ҳажрингда тилар ҳар дам ажал Лутфийи мискин,
Сенсиз кечурган умрдин, эй дўст, не хосил?

* * *

Эй сихи қад, бандани хажр илкидин озод қил,
Қайғулук күнглумни васлинг бирла бир дам шод қил.

Жонима ҳардам келиб айтур фироқинг элчиси
Ким: “Равон тан мулкидин чиқмоққа истеъдод қил”.

Тоғдек ошиқни куйдурдунг бу Шириналиқ била,
Мундин ортуқроқ мени бир йўли сен Фарҳод қил.

Қоматингнинг қуллуғунда ёш эди, улғайди сарв,
Боши титрар эмди хижлаттин ани озод қил.

Ҳоликим жондин асар бордур, соғингил бандани,
Мен чу ўлсам хоҳ унутқил, анда хоҳи ёд қил.

Гул юзунг қилди чу булбулдек күнгулни бекарор,
Осиғ этмас нечаким айтурлар: “Оз фарёд қил”.

Нечаким, ҳукминг эрур, шоҳим, равон Лутфий уза,
Чун ҳар иш сўрулғуси, албатта, адлу дод қил.

* * *

Мени шайдо қиладурғон бу күнгүлдүр, бу күнгүл,
Хору расво қиладурғон, бу күнгүллүр, бу күнгүл.

Үқдайин қоматимизни қора қошлиғлар учун
Муттасил ё қиладурғон бу күнгүлдүр, бу күнгүл,

Мени ёзғурма “севар” дебки, менинг ҳаддим эмас,
Ул таманно қиладурғон бу күнгүлдүр, бу күнгүл.

Борма, дерлар, эшики сори дамо-дам, нетайин,
Күп тақозо қиладурғон бу күнгүлдүр, бу күнгүл.

Тори мүйин ҳаваси бирла қоронгу кечада
Жонни савдо қиладурғон бу күнгүлдүр, бу күнгүл.

Душману дүст орасында мени гофили мудом,
Бесару по қиладурғон бу күнгүлдүр, бу күнгүл.

Үзгадин күрмаки күзүнг ёшпини, эй Лутфий,
Айни дарё қиладурғон бу күнгүлдүр, бу күнгүл.

* * *

Биҳамдиллоҳки, келди дилрабойим,
Азиз он кўзи Чўлпон, тўлун ойим.

Севар жоним, пари шайкар ҳабибим,
Висоли – роҳатим, ҳажри – балойим.

Юзи гул, сочи сунбул, бағри тошим,
Мухибларни унутқан бевафойим.

Муродим давлати, баҳтим латифи,
Сўзи ширин нигори жонғизойим.
Яна тан сори борғон руҳ ёнди,
Бүён келгач сафардин маҳлиқойим.

Қонимни ҳажр ила тўқти ёзуқсиз,
Дудоғингдин тилармен хунбаҳойим.

Фараҳ қил, Лутфийким, дилдор келди,
Ижобат бўлди ҳазратта дуойим.



Эй жон чамани ичра бўйи сарви равоним,
Вола эрур ул суратинга руҳи равоним.

Тун кеча сизинг қун юзунгиз ёди ичинда
Куйдурди фалак гунбазини оҳу фигоним.

Юз фитна била қўзларинг, эй дилбари раъно,
Бир дамда киши қўрмадиким, тўқмади қоним.

Тўла этагим лаълу гуҳар барча баҳосиз,
Саррофмену икки қўзум бўлди дўконим.

Бағрим қонидин лола битиб тупрогим узра,
Бир-бир ўқуғай қолмаса ҳеч ному нишоним.

Сен бор, эй рақиб, жоним эрур ушбу эв ичра,
Мен кетмон эшикиндин агар чиқмаса жоним.

Лутфий жони ҳар нечаким ҳасрат била борди,
Сен тозау хуш қолгин, аё сарви равоним.

* * *

Ниқоб олки, юзунгдин сафо тилай келдим,
Күнгүл элиға лабингдин шифо тилай келдим.

Адамда боғлаб эдим ул оғиз хаёлини мен,
Ки мунда Хизрдек оби бақо тилай келдим.

Ғубор тутти фироқингда күзни күп йиғидин,
Бирор изинг түзидин түтиё тилай келдим.

Қонимға хат чикориб кирди ол била дудогинг,
Бу ерга сўра-сўра хунбаҳо тилай келдим.

Азалда бир сочинға жонни айладим савдо,
Юзунгдин эмди анга ошно тилай келдим.

Вафоу меҳр мангаким бўлур бу толеъ ила,
Не ёшурай, эшигингдин жафо тилай келдим.

Жамолу хусн ила сен бою Лутфий асру фақир,
Закот учун садақангдин наво тилай келдим.

* * *

Зулфдин катъ қилиб юзунга ҳайрон бўлдум,
Мен агар коғир эдим, эмди мусулмон бўлдум.

Лаълингиз сўзидин ул рамзки мен фаҳм эттим,
Борлиғимдин бу жаҳон ичра пушаймон бўлдум.

Бош кўтарди сочинг ўғриси қамар давринда,
Ул татаввулни кўруб асру паришон бўлдум.

Минг яшаб Нуҳ агар бир йўли тӯфон кўрди,
Кунда бу ёш била мен ғарқаи тӯфон бўлдум.

Малакул-мавт агар бўлса рақибинг не зиён,
Чун лабинг ишвасидин боштин аёқ жон бўлдум.

Мен кўнгул бермас эдим ҳусн элига золим деб,
Ғамзанг устодлиғин кўрдиму нодон бўлдум.

Бир оғиз Лутфий кўнгул торлиғин сўрмади ҳеч,
Гарчи ул писта оғиз фикрида бирён бўлдум.

* * *

Эй малоҳатқа юзунг моҳиятиңда ҳад тамом,
Мантиқ ичра күрмадим оғзинг киби соҳибкалом.

Хусн янглиғ бевафосен, ишқдек ҳам жонгудоз,
Жоп менгизлик ногузиру умрдек чобукхиром.

Қоматинг боринда шириилик талашса найшакар,
Найшакарни баңд-баңд этиб егайлар хом-хом.

Жавҳари фард оғзингизга то күншулни бергали,
Тилдек эл оғзинда туштум топмайин бир зарра ком.

Ақл истар эрдиким, күрса равон жон суратин,
Қомагинг сарви бу ишга рост күргузди қиём.

Ул алиф бўйлуқ санамнинг ҳалқа-ҳалқа зулфидин,
Нечаким чектим балолар демадим юзунда лом.

Жон берур Лутфи-ю, олинда хаёлингдур муқим,
Кел хаёлингдин вафо ўрган, доги меҳр айла дом.

* * *

Эй бути хиргоҳи, ойдур бандаи ҳуснинг тамом,
Кун қилур ҳар субҳидам юзунга тунглукдин салом.

Қоншу кўзунга қилур гўшанишинлар иқтидо,
Турфа меҳробики бўлгай анда усруклар мудом.

Тоиман оғзунгдин нишон қиласам неча юз ихтиёр,
Хурдабиниларга магар йўқтур қамар давринда ком.

Ашҳаб эгпинга ҳамоийл қилди густохона эл,
Зулф тақлидип қилур, кўр бошида савдои хом.

Хубларда сиз киби копи малоҳат кўрмадим,
Ўзгани гар кўзга илсам, тузунгиз бўлсун ҳаром.

Бир нафас ноз уйқусиндин бош қўттармас наргисинг,
Гўиё қилмиш қаро баҳтимдин ул уйқуни вом.

Лутфийни тиргиз Масих анфосидек бир дам била,
Эй лабинг шаъниңда нозил ояти юҳийил-изом.

* * *

Эй латофат бўстони ичра сарви хушхиром!
Топти рухсоринг гулидин хусн боғи эҳтиром.

Ой юзунгни қунга ўхшатсам муважжаҳдур далил,
Оби ҳайвон десам оғзингни эрур молокалом.

Зарварақтек бўлмишам сиймин сақоқинг шавқидин,
Кўрки не зарду низор этти мени савдои хом.

Қоматинг тўбий ниҳолидур, лабинг кавсар суви,
Юзунг ул ҳури биҳиштий, тутти бу олий мақом.

Бўлса дўзахта хаёлинг, танга куймаклик ҳалол,
Бўлмаса жаннатта ёдинг, жонга оройиш ҳаром.

Гарчи маҳрамдур рақибим, ҳақдин узмасмен умид,
Берди коғирнинг муродин, бермагайму бизга ком?

“Ваз-зуҳо”, “Вал-лайл” ўқурмен зулфу юзунгни қўруб
Кетти Лутфий умрию вирди эрур бу субҳу шом.

* * *

Мақсудга текурмай ул гуландом,
Ошиқни қилюр жаҳонда бадном.

Юз кўргузубон тилакни бермас,
Чун донаси йўқ, нетар қўюб дом?

Сиймтек янгоқинг дедим: “Ўпарман”,
Айтур: “Тамаъинг эрур бари хом”.

Жон қасди учун келур дамо-дам,
Келмас манга раҳм учун дилором.

Ким зулфу юзуни кўрди, айди:
“Бир-бирга қотилди куфру ислом”.

Жайрон не деб айтайин қўзунгни,
Инсон ила чун мудом эрур ром.

Жондин кўнгул узгин эмди, Лутфий,
Чун ҳосили йўқ турур саранжом.

* * *

То қилди бу ошуфта күнгүл зулфида ором,
Мажмуын паришон ишини қилди саранжом.

Шаккар лабидин ким тиласа шарбати ширин
Хасрат била Фарҳод киби ўлгуси ноком.

Ошиқму бўлур гул янгоқи шавқида мардум,
Ер юзуни кўз қони била қилмаса гулфом?

Сийм олмасию лаъли майини күнгүл истар,
Оре, бўлур ул ошиқи мискин тамаъи хом.

Эй дўстларим, оҳу кўзин кўрмайин ўлсам,
Зинҳор, сочинг тобутим узра қора бодом.

Юз фотихани юзунга ҳар субҳ ўқурман,
Чун “Лайлалатул-қадр” оятини зулфинга ҳар шом.

Лутфий киби гар сарви сиҳи кўрса қадингни,
Озод ўзини қулур ул сарви гуландом.

* * *

Жамолинг шамъина парвона келдим,
Фироқ үгина ёна-ёна келдим.

Фироқинг зулмидин дод истамакка,
Сенингтек нозанин султона келдим.

Пари рухсора, сентек дилрабони,
Күройин деб, мени девона келдим.

Лабингдин сұргали келдим табуқда,
Хизртек чашмаи ҳайвона келдим.

Юзунгнинг ҳажридин жонимға еттим,
Анинг учун сенингтек жона келдим.

Қопинг ёсип күрүб ийд ойидур деб,
Қопингда Лутфийдек қурбона келдим.

* * *

Келгинки фироқинг ўтида қолмади ҳолим,
Бу ўтни ўчур васл ила, эй оби зулолим.

Жон ирніма етди-ю, рақиблар иликідін
Сүзлашғали йўқтур, негайин, ҳеч мажолим.

Бир кунки, йирок түштум ўшал ой юзунгдин,
Хижрон туни жон суҳбатидін гүтти малолим.

Ердин, эй рақиб, бизни нега бошқа тутарсан,
Жон берсам йироқлик била бўйнингда вуболим.

Ер ўлтурадур Лутфийни чораси йўқтур,
Кўрклук киши дармонсиз эрур гуштиса золим.

* * *

Ё раб, не ажаб ёри жафокора йўлуктум,
Кузию қоши жодуи маккора йўлуктум.

Шукронага жон бердим ўшул чехрани кўргач
Ҳақдин не тилай ўзгаки, дилдора йўлуктум.

Не толеъ ила мен тилайин меҳр ул ойдин,
Чун бўйла жафочи бути айёра йўлуктум.

Ҳеч ерда қарорим иўқ эди, кўйида турдим,
Жаннатда муқим ўлдиму дилдора йўлуктум.

Ёр истар эдим, учради ногоҳ рақибе,
Гулни тиладим, Лутфий, vale хора йўлуктум.

* * *

Эзку туур әртә юзунга боққали фолим,
Бехроқ әрүүр олма сақоқинг күргали холим.

Зулфингға магар тонг ели ҳолимни айиткай,
Чун воқиғ әрүүр, йүқ менинг ончоға мажолим.

Иигнанг учини бир күзума сурмаға истаб,
Мен йигна киби бұлдиму мушқул бу хаёлим.

Күздин тұқулур ерга күрүб ирнингу тишиңг,
Бағрим қон этиб топқоним ул лаъли зулолим.

Лутфий юзуда үлтурубон күз ёши айттур:
“Епишгүм этакинга, эй қон түккучи золим”.

* * *

Ойни юзунгга нисбат этар важх ила ҳаким,
Бир курс эрүрки қудрат эли айламиш дуним.

Жондур нахиғу күнглум эрүр асру нотавон,
Ҳамдард деб аларни сүрар ҳар сахар насим.

Бемор эрүр күзүнгки бүлур ранжа ғамзада,
Нозук киши ўкуш ҳаракаттин бүлур сақим.

Ойтек юзунгда оғиз муважжаҳ тушуб турур,
Ҳар қайдаким қамар ўла тушгай арода мим.

Ҳар нечаким қулоқингға ёқмаса, ҳажр ила
Үлтурма Лутфийники бүлур сўзи дурри ятим.

* * *

Нече нортек янгоқингдин қизил ўтқа ёнар жоним,
Оқ олматек сақоқингдин сұрапра йүқ ҳеч имконим.

Сен айтурсан: “Нечук бұлур қул ўз султонига ошиқ?”
Күнгүл пандым әшитмас ҳеч, петайин,
Эй бегим-жоним.

Күзум чун қилди күрклюклар юзи бирла ўзин сигмас,
Тұкулгай охри андин ер узра сув бикин қоним.

Дудогиң ҳасрати дарди жоним ирнимга еткурди,
Айт қылсун күзүнг, охир угун қолмади дармоним.

Узун умрим эди зулфунг паришон айлади они,
Бало жонимга жамъ этти ўшул умри паришоним.

Күзум ёшыға айттурман: “Сарғ үз узра оз юри...
Эй олтын узра осигсиз юрган дүрри галтоним”.

Күнгүл Лугфий киби зулфунг күруб түшти бу савдога,
Аннинг ул ишилдур ҳоли қаро қайтуға қолгоним.

* * *

То ул ойнинг водии ишқинда тушти манзилим,
Дамба-дам ҳусни киби оргар менинг дарди дилим.

Мен ҳавосинда йилактин зарратек ошуғамен,
Ул қүёш юзлук vale бир зарра бўлмас мойилим.

Мотамимда барча қўк аҳли қаро кийусидур,
Чун сенинг қон тўккучи кофир кўзингдур қотилим.

Оразинг шамъина ошиқ бўлғали парвонатек,
Куймагу саргашталиқдин ўзга йўқтур ҳосилим.

Кечти умрим Лугфий янглиғ кўрмайин шодии васи,
Гўиё қайғу билан тахмир қилмишлар гилим.

* * *

Шакардек оғзини писта дедим, яман қилдим,
Эсиз, оғзини қуруқ тұхматеки, ман қилдим.

Юзунг гули ҳаваси ичра күз етар ерни
Наззора қилки, юрак қонидин чаман қилдим.

Чу мажлисингда ўзин шамъ дар миён қўрди,
Тилин кесиб ани расвойи анжуман қилдим.

Кўруб ниқобким, учмоқдек эшикингда,
Ниёзлар бирла дийдор учун ватан қилдим.

Кўнгул бало эди сен золим илкига солдим,
Мен ул ямон ҳақида кўр, не яхши фан қилдим.

Кулоқига қани етқуручики, ҳар сўзда,
Кўзум ёши қатаротин дурри Адан қилдим.

Адамға чун мени текурди ул оғиз, Лутфий,
Вужудимдин кечиб тарки маъвоу маъман қилдим.

* * *

Хуснунга боққан сайин ортар менинг ҳайронлигим,
Түймөк истарман жамолингдин, зихи нодонлигим.

Сунбулингни гул уза тоғитма ошуб этгали,
Тобакай бўлғай мунингдек бесару сомонлигим.

Лаълинг ўлтурди мени ол бирла, эй султони хусн,
Қўйки, додимни олай ондинки, улдур қонлигим.

Ер юзунда кездурур ул зулфи савдоси мени,
Кўр паришон рўз учун сен мунча саргардонлигим.

Берман икки дунийига мушкин сочинг ҳар торини,
Чинлигимга онт ичайки, йўқ туурү ёлгоналигим.

Куллуғингта баҳт ёриси била тушсам қабул,
Чарх айвонидин ўтгай навбаги султонлигим.

Каъбаи васлингга етқур Лутфий гумроҳни,
Ҳасбатаниллаҳки, ҳаддин ошти саргардонлигим.

* * *

Аё жафода бир олтун нигор сиймтаним,
Иноятинг йўқи асрү жонимға тегди маним.

Жафоға йўқ ҳадду ҳасрат ўтина чун поён,
Нечага тегру қуяр жону ўртанур баданим.

Мазорим узра хиромон қиё боқиб ўтсанг,
Лаҳадда лола менгизлик ўла менинг кафаним.

Юзунгнинг ойи ҳавосинда оҳ ила ҳамроҳ,
Фалакка етгуси бир кун бу жони мумтаҳаним.

Бу Лутфий қонини тўкса қўюнг эшикинда,
Ки ҳашр чоғи ғалат бўлмасун менинг ватаним.

* * *

Хүснүнгө боқиб, ох дегумдур даги ўлгум,
Сенсен маңға дилхө дегумдур даги ўлгум.

Неча яшурай дардими, чун ўлгани еттим,
Бўлмасмусен огоҳ дегумдур даги ўлгум.

Ул қалду оғиз рамзини мундоқки кўрармен,
То қайси нафас, ох, дегумдур даги ўлгум.

Охир дамида ҳар киши кўнглинидагин айтур,
Мен ҳам сенга ногоҳ дегумдур даги ўлгум.

Дийдориңгга мавқуфдур ирнимга келиб жон,
Кўрсам сени, оллоҳ, дегумдур даги ўлгум.

Ҳар ким деса ошиқмен анга, гарчи хатардур,
Боштин кечиб, эй моҳ, дегумдур даги ўлгум.

Лутфий ўларин хайли хаёлинг тобугинда,
Гар йўллуку бир ох, дегумдур даги ўлгум.

* * *

Қаро менг ол әнг уза қўймоқ ол эмиш билдим,
Таматтӯ ондин илинмоғ маҳол эмиш билдим.

Умид эрди бирор кўнглакин енгин тутсам,
Менинг бошимда бу мушкул хаёл эмиш билдим.

Саҳиҳ танға недин бўлди заъф тазъифи,
Бу сўзда хаттидин онинг мисол эмиш билдим.

Бошимни гўй этиб оллинда зулфи чавгонинг,
Бу ерда бошқа яна ўзга ол эмиш билдим.

Азалда ошиқу маъшуқ жисму жон әрмипи,
Букун баҳонатек ул зулфу хол эмиш билдим.

Ёрутти ишқ ҷароғини шамъу парвона,
Ҳадиси булбулу гул қийлу қол эмиш билдим.

Чиҳ жойи оби равонким санинг сўзунг, Лутфий,
Бу ишқ ташнайлирига зулол эмиш билдим.

* * *

Эй одамилар жони, парига не бўлурсан?
Бу жисм ила гўлбарги тариға не бўлурсан?

Сендин манга наззора тегар, ул дағи гоҳ-гоҳ,
Сен чархи фалакнинг қамариға не бўлурсан?

Рафтор ила бир йўли мунингдек доғи ўхшаш,
Эй сарви сиҳи, кабки дарийға не бўлурсан?

Юсуф киби ширин дурур асру харакотинг
Сен Миср наботу шакариға не бўлурсан?

Сендек санаме кўрмади Лутфий Чифатойда,
Чин сўйла Хито хубларига не бўлурсан?

* * *

Ул ойким, аниң мәхрида машхури жақонман,
Ағсуски, билмаски не өзлиқ нигоронман.

Фарёдіма баҳт үйғоншыб, эй войкі, етмас,
Хар нечаки мен боштын оёқ оху фиғонман.

Шаккар дудогиңдин манга ҳасрат тегар, опжок,
Шириң магар ул бўлди-ю, Фарходи замонман.

Дилдор жафо устидау мен қони тўлғон
Кўз ёши киби кўйидаким оби равонман.

Сунбул сочини кўргали гулдек юзи узра,
Савсан бикин авсоғи била рутби лисонман.

Кўнглум кетамас ҳар нечаким кўрса жафони,
Бу сабру таҳаммул била билмонки, не жоғман.

Ошиқ нега бўлдуңг дема Лутфийға, юзун кўр,
Бу важҳи аён бирла не муҳтожи баёнман?

* * *

Эй турки париваш, не ажаб жон етилибсен,
Давлат чаманинда гули хандон етилибсен.

Бүй чектингу офоқ ичида қўпти қиёмат,
Ҳай-хай, не бало сарви хиромон етилибсен.

Аклинидин озар Миср элидек, ким сени кўрса,
Бу даврда сен Юсуфи Кањон етилибсен.

Изҳори тажаллий қилур ул чехра сафоси,
Сен оинайи ояти раҳмон етилибсен.

Хусн аҳли агар бўлса сенга қул, ажаб эрмас,
Ким ҳублиқ иқлимида сulton етилибсен.

Ҳам рухи мусавварсену ҳам акли мужассам,
Бу лутф ила сен фитнаи даврон етилибсен.

Сол соя менинг бошима, эй рашки санавбар,
Ким ғайрати тўби дағи ризвон етилибсен.

Лутфий сўзининг лутфина табъииг етар, онжоқ,
Аҳсантаки, маҳбуби сухандон етилибсен.

* * *

Е раб, не бало сарви суманбар етилибсен,
Кон қилгучи бир шүхи ситамгар етилибсен.

Ой күз тутар эрдим сепи, хуршед бұлубсен,
Хуршед пелур, руҳи мусаввар етилибсен.

Васф этса кипши юз күрадур деб согинурмен,
Күзгуда үзүнг боққи, не дилбар етилибсен.

Жаниатдаги насрин гулининг шохи менгизлик
Сен тозау ратын, даги павбар етилибсен.

Дарёблагия ушбу гадо қатыбай күнглиң,
Чу хүсніда сен асру тавонгар етилибсен.

То қайси саодатлиқ учун ҳақ сени асрап,
Эй меваи ширишки, чу шаккар етилибсен.

Лутфий юзи мохиятини равнап әтибким,
Сен даври қамар ичра суханвар етилибсен.

* * *

Эй ҳусну жамол аҳли ходимлару султонсан,
Инсон сифати бирла сен сурати раҳмонсан.

Гулбарг тутур тўнинг билмай ани ган дерлар,
Тан не тиласун сендин, сен бошгин оёқ жонсан.

Ҳусн ичра шеригинг йўқ, юз ҳужжати равшандур,
Ул даъвийи ваҳдатгқа, бу важҳ ила бурҳонсан.

Қонмам нечаким боқсам ҳуснунга сенинг, билиоҳ,
Сувтек ичайин дерманким чашмаи ҳайвонсан.

Бурқаъни кўтар, Лугфий юзунгни кўруб ўлсун,
Ҳасрат била ўрганди, қили ишини бир ёнсан.

* * *

Ой юзунгнинг ҳусниким, рух англамас кайфиятини,
Қилди исбот ахсанут-тақвимнинг моҳиятини.

Оразу лаълинг манга орттурди савдо заҳмати,
Ваҳки, баҳтим узга қилди гулшакар хосиятини.

Нечаким бордур қамар даврунда юз минг тафриқа,
Кўрдум уш зулфунгда мен чиндин кўнгул жамъиятини.

Ой қўтонлаб ажз учун бўлди ҳисори тун кеча,
Тутти ҳуснунга мусаллам дуняниңг моҳиятини.

Жон ажалдин келди ишқинг бодасиндин бехабар,
Бу қадаҳдин тотмаган билмас аниңг кайфиягин.

Чун татаввул эрди мажмуъ элга зулфунг нияти,
Тушти юзунгдин қарориб, кўр паришон ниятини.

Дуняниң зеболариндин сизга қул бўлғон учун,
Билдилар ахли басорат Лутфийнинг аҳлиятин.

* * *

Эй, орази барги гулу, эй, қомати сарви чаман,
Равшан сенинг юзунг бикин топмади бир шамъ

аңжуман.

Юз уза зулфунгни солиб бўстоңда юрусанг бирор,
Сунбул менгизлик тўлғонур, ўз-ўзича варду суман.

Лъялингким ул хотам дурур ангуштарињтек оғзинга,
Онинг киби яхши ақиқ кўрмоди умрида Яман.

Кўнглум тилар жон нақдини сарф этса юзунг важхина,
Бу важҳ минкуллувужух, кўрдум эрур важхи ҳасан.

Сўрдум лабингдин: “Юз бало жонимға солғон
санмусан?”
Секреди олингда қошинг, яъни “Улаш қилғучи ман”.

Ғамза била айтур кўзунг, эй, эгри ўлтур, сўйла рост?
Мендин угун кимдурким ул билғай бу санъат ё бу фан?

Бу Лутфий кўнгли орзулас зулфунг жаворинда ўрин,
Ҳар неча ул куфр элидур, имондин ул ҳуббул-ватан.

* * *

Эй кўнгул баҳти каро зулфи паришонинг учун,
Жоним оромсиздур ул нарғиси фаттонинг учун.

Шевадин бошқа жамолингда кўрубдурман они,
Ақл девонау жон вола эрур онинг учун.

Кошу кўзунгдин эрур Чину Хито зеру забар,
Хинд эли силсилада жаъди паришонинг учун.

Бош очар тўби-ю, шамшоду чанор эл кўтарур,
Ким узун ёш тилагай сарви хиромонинг учун.

“Тўкма қонимни табассум бирла” – лаълингта дедим:
Кулиб айтур: “Мени ким сўргусидур қонинг учун?”

Кўрмагани менга кўргузди дудоғинг кулари,
Солди йўқ қайғуға, яъни шаккаристонинг учун,

Кўп жафо килма, ситамға доғи инсоф керак,
Лутфийнинг кўнглини олиб хайр этакўр, жонинг учун.

* * *

То күнглум урди дам յозунг оїни ҳавосидин,
Хар субхидам ёруқлуқ олур күп сафосидин.

Бир дам наботтинг бопидин кетмади йигоч,
То бўлмади тамом сўз ирнинг ҳаёсидин.

Ҳеч ким жаҳонда кўрмади ўқ-ёйни қап-қаро,
Ҳайраттадурмен ул кўзу қоннинг қаросидин.

Қолсам балога кўнглум элипдин гариб эмас,
Ким жон саломат әлти кўнгулинг балосидин.

Ҳар неча ҳусн кипварининг подшоҳисен,
Андинша қил бу Лутфий гадонинг дуосидин.

* * *

Қаду оғзингіта боқсам, оҳ дерман,
Сени күрган сайин, “оллох” дерман.

Тилар күнглум сени оламдау бас,
Бу нисбаттан сени дилхөх дерман.

Менинг ҳаддим әмаским, истасам васа,
“Күз учи бирла боқ тох-тох” дерман.

Қусури табыдин дерман сени сарв,
Эрур ул нораво, бир оҳ дерман.

Этокинғ кишининг илки етмас,
Сени бу важх ила мен моҳ дерман.

Сенинг қаддинг била нозук юрурда,
Эрур ўзга нима ҳамроҳ дерман.

Жамолинг Лутфий сўзин қилди рангин,
Сенинг ҳуснинг “шайъанлох” дерман.

* * *

Латофат қибласи оламда сенсен,
Пари юзлук бани одамда сенсен.

Күрунурсан сен-үқ, күзумдау бас,
Бале, ёлғуз ҳамин оламда сенсен.

Масиху Хизр эди дам бирла жонбахш,
Алар ул дамда-у, бу дамда – сенсен.

Қароқчи бўлмасанг, эй ёр кўзи,
Нағу пайваста ҳар бир хамда сенсен.

Канорин Лутфий топмоқлик маҳол ул,
Мунингдекким мұхити ғамда сенсен.

* * *

Аё дилбар, вафо қиласмусен сен,
Бу дардимға даво қиласмусен сен?

Қилич бирла жудо бўлғунча мендин,
Бошим тандин жудо қиласмусен сен?

Агар мөхру вафони ҳайф кўрсанг,
Бирор жавру жафо қиласмусен сен?

Ёқилди шавқ ўтинда жоним эмди,
Қилурсен раҳм, ё қиласмусен сен?

Ёзуксиз бандадин гар қолди кўнгуңт,
Худой учун сафо қиласмусен сен?

Раво мундоқ кўрарсан сенсиз ўлсам,
Тилокимни раво қиласмусен сен?

Илик гар тутмасанг Лутфий қулунгға,
Йироқдин марҳабо қиласмусен сен?

* * *

Мени оғзинг учун шайдо қилибсан,
Манга йўқ қайғуни пайдо қилибсан.

Сенинг ёйингни ҳеч ким торта олмас,
Мунингтекким, қошингни ё қилибсан.

Ядо қилғон киби кӯз жодусиндин,
Кўзумнинг ёмгурун дарё қилибсан.

Кириб кӯздин кўнгулга они тортиб,
Алифтек жон ичинда жо қилибсан.

Юзунгни ой дедим, астағириуллоҳ,
Магар аклимни сен яғмо қилибсан.

Вафо қилмокқа қўймас чун сени ҳусн,
Жафо бирла мени расво қилибсан.

Тўкар ғамзанг дамо-дам Лутфий қонин,
Магар кӯз учидин имо қилибсан.

* * *

Сенинг ўтлуг күзүнг сөхри мени қуйлурды савдодин,
Қонинги ҳам әгрилик бирла түз этти умр бунёдии.

Билурмусенки, күн түштә, не учун сайдин қолди?
Юзүнни күрди соргориб, иликдин борди сафродин.

Ҳабандын ўлжа гүпгандур қаро тамғолық ои сизга,
Далили равишан уш зохир тапурлар барча тамғодин.

Қонинги нуни учун ўйнар күзүм ёш ичра олмоси,
Ажаб тифлеки, ийманмас мүшингтөк мавжи дарёдии.

Чу боқсаның күзгуга ул дам магар ҳолимни билгайсөн,
Кипи го бўймаса опик, не билгай холи шайдодин.

Юзунгдин лола ранг элтиб ўёлиб шаҳрга кирмас,
Анинг бўйни кипи боялаб кетурмогуича сахродин.

Қил уни белинга Лутфий эли егмас, чиқар жони,
Раво тутмаки йўқ ерда, бу қул ўлгай таманиподин.

* * *

Эй турфа нари, одамининг жонимиидурсан?
Е икки ёруғ кўзлари инсонимиидурсан?

Боқсам бош-оёқ жисминг эрур маҳзи латофат,
Е сен малаки улвийи руҳонимиидурсан?

Е жодумусенким, кўнгул олдинг ўқиб афсун?
Бу юз ила ё ояти раббонимиидурсан?

Е лутфу зарофат бирла йўгурудиму зотинг?
Е хулқу карам маъданию конимиидурсан?

Лутфий сенга қул бўлди, аё ҳусн эли шоҳи,
Е барча ҳалойиқ шоҳи, сultonимиидурсан?

* * *

Дилбаро, синдурма аҳду ёнмағил мисоқдин,
Пардада тутма юзунгни ошиқи муштоқдин.

Хусн даврииңда жафодин ўзга йўқтур санъатинг,
Халқдин йўқ фикринг, ийманмасмусан халлоқдин.

Бир нафас маъшуқ или ошиқни қўймас шодмон,
Не тилар, ё раб, сипехри кишавар ушшоқдин?

Андаким, меҳроб кошинг тузди меъмори қазо,
Кўнглумиз қандилини элтти-ю, ости тоқдин.

Ул сенинг кофур янглик оразингни ой дегай,
Жоҳилеким илғамас бўлса қарони оқдин.

Лоф урур зулфунг била мушк аслида бордур хато,
Ҳар кишининг аслини билса бўлур ахлоқдин.

То юзунгнинг васфини Лутфий битти, дафтари –
Бўлди рангину насими гул келур авроқдин.

* * *

Эй күнгүл мамлакатин ишва била олгансан,
Ақлу жон оламиға ишкүтини солгансан.

Жон била барча жаҳондур тириқ, эй жони жаҳон,
Ултуурсан мени ҳар дам, не ажойиб жонсан.

Дами Исоки берур эрди шифо хасталара,
Бу дам ирнингда дурур, дардима қил дармон сан.

Ғамзага ваъда қилиб, қилмадинг, эй шўх вафо,
Чин сени васф этайин, боштин оёқ ёлғонсан.

Итинг уйғонди оҳимдин бошидин ўйрулдим,
Авф этиб айтти – нетай ошиқи саргардонсан.

Жону дил шаҳрини бузсанг, бузу хоҳ яғмо қил,
Муъкинг давлатдур ушбуки сен султонсан.

Кўзгуга боқмаки, юзунгни кўрубон ногах,
Лутфийдек бўлмағасен бехабару ҳайронсан.

* * *

Ул ғамзадин ўқ отма, онсиз бало қилурсен,
Хұснунг била жаҳонни чун мұттало қилурсен.

Нече вафоға вайда қилғайсен, эй жафочи,
Сен умрсен кишига, ҳаргиз вафо қилурсен.

Ишим ўтар даводин, тенгри учун, табибим,
Келгил, бу дарди дилга гар бир даво қилурсен.

Мехроб қоши сори зинҳор бокма, зохид,
Вайрон бўлур намозинг, барча қазо қилурсен.

Эй кўз, юзуни кўрдинг, ёшинг нағу тўкарсен,
Кечган фирок элиндин не можаро қилурсен?

Куйган кўнгулда ҳар дам меҳринг бўлур зиёда,
Тун-кун агарчи бизга жавру жафо қилурсен.

Иўқтур ажаб гар олдинг бечора Лутфий кўнглун,
Хуснунг била чу юз минг шохни гадо қилурсен.

* * *

Күз қоп сочар ирнингни күрүб дам-бадам, эй жон,
Огзингни тилаб топмаю бўлдум адам, эй жон.

Кўзунг била қалдингни кўруб “паргису шамишод”
Деган кинида на басару на қадам, эй жон.

Неча тиладиг қайда турур леб рақибимни,
Не бўлгай эшикингда бир ит бўлса кам, эй жон?

Ким қилмаса хаттингни кўруб хуснунгга икрор,
Хижрон қиличи бўйини қилсун қалам, эй жон.

Қалду сочу оғзинг гамидин оҳеки қолди,
Мажруҳ кўнгулларда нишони аlam, эй жон.

“Сен гам ема ишқимда” дедингким, сўнгак ўлдум,
Неча емасанг қайғуни, ер бизни гам, эй жон.

Кўп Лутфийни қўрқутма тўкарман део қонин,
Тўксанг санга минг қатла ҳалол ушбу дам, эй жон.

* * *

Эй жафодин бир замон күнгли пушаймон бўлмаған,
Қони бағрим зарраи қайғунг била қон бўлмаған.

Бош-оёқ ёлғон эрур ишқ оғриғиндин урса дам,
Бир менингдек сарғайиб юзи ярақон бўлмаған.

Муддаи кўрмак тилар кулганда тишиңг гавҳарин,
Кўрмас ул дур йиғлаю кўзлари уммон бўлмаған.

Ул сенинг сунбул бикин зулфунгни гул ораз уза
Одами эрмас кўруб ақли паришон бўлмаған.

Юзуңг узра ногиҳон зулфунгни тоғитса сабо,
Зоҳири ҳайвон эрур шайдоу ҳайрон бўлмаған.

Ҳусн эли бирла майшат қилмас эрмиш англашим,
Ақл тадбирин қўюбои гўлу нодон бўлмаған.

Эй жафочи, тўкмағил бу Лутфий қонин, фикр қили,
Қони ноҳақ қон қилиб охир пушаймон бўлмаған.

* * *

Қолдим қаро қайғуға кўзунгнинг ҳавасиндин
Ким, бехабар ул турк бу қул мултамасиндин.

Ул сарв қадинг узра равон тутқуси манзил,
Жоним қуши чун қиласа ҳаво тан қафасиндин.

Ошиқ кишилар оҳи ямондур, ҳазар айла
Ким, ўтқа ёнар олам аларнинг нафасиндин.

Кўзум қора боғинда тушуб хайли хаёлинг,
Бир лахза эмас холи ёшимнинг Арасиндин.

Кўп қувлама Лутфийни, қил андишаки, бехост,
Ногаҳ тилагай додини фарёдрасиндин.

* * *

Жоно, баданинг жондуру жонлар танинг ўлсун,
Ҳақ фазли анинг ҳифзина пироҳанинг ўлсун.

Ул қошу кўзунг тухфасидур жону дилу дин,
Ҳар қайси бурун қилса ишорат анинг ўлсун.

Мен бандага худ теккуси йўқ мөхру вафоси,
Ҳар қайдаки бор жабру жафоси манинг ўлсун.

Оlam сени севгучи дуур гарчи дамо-дам,
Ҳақдин тиларам менки бари душманинг ўлсун.

Лутфий эли етмас чу висолинг этакина,
Хоҳи бу жамол ой манингу хоҳ санинг ўлсун.

* * *

Эй, тажаллий бирла хуснунг юз туман жон ўртаган,
Барқи ишқингдур мени тўйғунча ҳайрон ўртаган.

Монеи наззорадур кўзга юзунгнинг партави,
Эй, мени бу важх или ҳасратда чандон ўртаган.

Минг томукдиндур ямонроқ ҳажр ўти қуймаклиги,
Мен билурменким эрур жонимни ҳижрон ўртаган.

Бор умидимким тўкулгай турбатим устинда нур,
Чун мени нортек янгоқингдур фаровон ўртаган.

Ушбу кул бўлған фалакниким эрур кун шуъласи,
Ҳасратингдиндур, бегим, бу оҳи сўзон ўртаган.

Бир назарда кўз кота билмон юзунг моҳиятин,
Мунча равshan бўлдиким, улдур кўнгул жон ўртаган.

Лутфийи бечорани ул юзу оғзинг ёдидур,
Шавқ ўтинда гоҳ пайдо, гоҳ пинҳон ўртаган.

* * *

Эй жафо доги била күнглумни афгор айлаган,
Гул янгоқинг шавқидур юзумни гулзор айлаган.

Жавҳари фард оғзингизтек хурдабинлар зеҳнина
Солмади ширин хаёле, йўқни ул бор айлаган.

Бир нафасда ўлгай эрдим фурқатишнинг дардили,
Васл умидидур менга ўлмакни душвор айлаган.

Ақлу дини бўлмасун деди мени бечорада,
Ул қароқчи кўзларингни маству айёр айлаган.

Мен фалакнинг гардишидин бўлмамишман ногавон,
Ерининг севмаслиги дур жонима кор айлаган.

Жону дил борди адам сори, сенинг оғзинг учун,
Ул оғиз фикрилур элга дуняни тор айлаган.

Ўзгадин қилмам шикоятким, азизим кўзида,
Ўтга тушкур бу кўлгудур, Лутфийни хор айлаган.

* * *

Күзүнгни юммакин устод этарсан,
Уруб ғамза била жаллод этарсан.

Мени бир сўрмадунг, дардингдин ўлдум,
Қиёматда магарким ёд этарсан.

Сенинг бирла фалак худ хуштур, эй ой,
Ки сен ҳам биз сари бедод этарсан.

Сучуклук бер менинг руҳимға дашном,
Шаҳидингни агар сен шод этарсан.

Үёлтурма, чаман сарвин бағишила,
Қиёсан бандани озод этарсан.

Қачон, эй лола, ул юзга генгарсен,
Үзинги елга сен барбод этарсан.

Бузулди Лутфий кўнгли, неча бошдин,
Жафони андин-ўқ бунёд этарсан.

* * *

Хар жафо келса, эй санам, сендин,
Хошалиллахки, ўсонмам сендин.

Күроли қайсимиз енгар охир,
Сабр мендин дағы ситам сендин.

Бош күтартсанг, дило, кора кошина,
Күтарилимиш магар қалам сендин...

Дами Исоки жон берур эрди,
Фахм қилди күнгүл бу дам сендин.

Күргали қадду зулфу оғзингни
Тортадурмиз басе алам сендин.

Дединг, ўлсанг мозорингта келайин,
Анда ҳам мушкил ул қадам сендин.

Мени ўлдурки, сенсиз ўлмамишам
Лутфийдин ёзуқу карам сендин.

* * *

Күрдүм сению кетти ғам, алминнатулилах,
Жон топти ҳаёт ушбу дам, алминнатулилах.

Давлат куни туғди очилиб субҳи саодат,
Ҳижрон туни бўлди адам, алминнатулилах.

Ул дуняга жон етмиш эди ёнди бадарға
Ким, кўрди сенингдек санам, алминнатулилах.

Рухсори юзунг давлатида хаста кўнгулда
Бўлди ғами айём кам, алминнатулилах.

Лутфий сори кўз учи била қилди нигоҳе,
Ёр этти бағоят карам, алминнатулилах.

* * *

Эй малаксиймо пари ишқинг элиндин ох-ох,
Бир назар қилсанг не бўлғай одамилиқ гоҳ-гоҳ.

Яхши эрди қунда ҳар дам ой юзунг нazzораси,
Не ямон кунлар дуурким, эмди кўрмам моҳ-моҳ.

Чун ўлармен ул алифдек қадду тор оғзунг учун,
Сен ўтарда турбатимдин қўпғусидур “ох-ох”.

Тушти кўнглум ул зақанға англамай мадҳуш учун,
Ҳар нечаким ақли дурандеш айитти, “чоҳ-чоҳ!”

Келди дилбарнинг хаёли жон ўйига киргали,
Эй кўнгулнинг қони, бир дам кирма кўзга роҳ-роҳ.

Итларингнинг хайлида хайрону саргардон эдим,
Юзума боқди доғи чорлаб итини гоҳ-гоҳ.

Лутфи ашъорингни Лутфий, Бойсунғурхон билур
Ким, аруси мулк кўрмайдур анингдек шоҳ-шоҳ.

* * *

Эй сарв шевалик қадипг озод кардаси,
Гүлнора эшгингтек эртаги барбод кардаси.

Қил күз учи(дин) назар, бўлали гуссадин халос,
Эй борча қайгу омоли кўзунг ишод кардаси.

Мен бегуноҳ қопина, қўрким, пе сувсамиш,
Ул гамзаким эрур кўзи жаллод кардаси.

Кўнглумни ҳажр зулми била бузмагай недур,
Чуну бу харобалур анинг обод кардаси.

Тут гўша, эй қўнгул кўзидинким хун била,
Хорути Бобулий дурур устод кардаси.

Ул қопу кирпукунг қаросин Лутфий кўргали,
Нун-ул-қалам бўлуб турур аврод кардаси.

* * *

Эй, үғон нури била шарварда ой рухсораси,
Талъатингдин партави түқкүз фалак сайёраси.

Сөхру найиир нажот ашколини мансух айлади,
Ошиқ ўлғурмакка күзу ғамзайи хунхораси.

Мен гадога давлати васлинг қачон тегсун, бегим,
Кошки теккай йироқтын ой юзунг наззораси.

Күз учидин бу ғариб аҳволини сүр лутф ила
Ким, сенинг учун бўлубмен дунёниг овораси.

Лутфий оҳининг ўқи зарра сироят қилмади,
Қайда буттандур, илоҳий, ул кўнгулнуңг хораси.

* * *

Махвашим, бир назар этсант, не ниманг ўксугуси?
Банда сори гузар этсант, не ниманг ўксугуси?

Кимёи назару лутф ила, эй сийм бадан,
Хоки юзумни зар этсант, не ниманг ўксугуси?

Бодаи лаъли лабингдин манга бир журъа сунуб,
Бир йўли бехабар этсант, не ниманг ўксугуси?

Ишқ учун бўлди қазо бошима, сўрсанг не бўлур,
Марҳамат бу қадар этсант, не ниманг ўксугуси?

Кўркабойим санга чун хайр дурур фарзул-айн,
Бу гадоға назар этсант, не ниманг ўксугуси?

Жон берай қубла учун десам эмассан рози,
Қўл била сарбасар этсант, не ниманг ўксугуси?

Лутфийи хастағаким сенсиз ўлар ҳолдадур,
Сўргали майл агар этсант, не ниманг ўксугуси?

* * *

Эй сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами,
Халқа-халқа руҳнинг сарманзилидур хар хами.

Сунбулингни тороғонда гул уза тонгдур арақ
Ким, булатлиқ кечани албатта, бўлмас шабнами.

Сен париваш ҳурдин мушкил дурур жон сакламоқ,
Чун малак ҳайрондур ул суратқа, нетсун одами?

Мен йироқдин жон берурман, тоқатим йўқ боққали,
Юзи қаттиқ кўзгуким, бўлмиш жамолинг ҳамдами.

Мен бу кўз бирла ўётлиқман хаёлинг юзидин
Ким, келур ҳар лахза ул гўшанинг бордур нами.

Ул баданинг давлатидин туғди кўнглакнинг куни,
Ҳусн толеъ кўрким, улдур холи ички маҳрами.

Лутфийни боштин магар тиргузсанг, эй Исо нафас
Ким, танидин бўлди кўп жон олғали ҳижрон ғами.

* * *

Дилбар, оби ҳаёт ирнинг учун жон сувсади,
Бағрим ўртанди-ю, доғи сийна бирён сувсади.

Сувга маҳмур кишида бўлмас анингдек майл ҳеч
Ким, менинг қонимға ул нарғиси фаттон сувсади.

Жону тан эвинда май лаълинг учун меҳмондур,
Қил қарам лутф ила бир журъаки меҳмон сувсади.

Салсабилингни сувина сувсағон аҳли азоб,
Хоки пойингға анингдек ки бу ҳайрон сувсади.

Фурқатинг чўлиндадур ваъдаларинг айни сароб
Ким, анинг кейнича ушшоқи фаровон сувсади.

Лутф қил васлинг зулоли бирла, эй оби ҳаёт
Ким, кўнгул жон бирла шавқ ўтида яксон сувсади.

Қурди Лутфий гаҳ дудоқингға пиёла тегадур,
Ғуссадин, валлоҳ, анинг қонина чандон сувсади.

* * *

Чу маҳфий оғзи тақаллум била мубин бўлди,
Кичикда пири Масиҳо сўзи яқин бўлди.

Қиёмат элга чини бирла юзи кўргузди,
Аломати буки хуршиду ой қарин бўлди.

Бирор юзунг сори боқсам, кечур карам билаким,
Қут олди эл юзидин улки нозанин бўлди.

Бинафша сунбулини кўрди мушк хирмандек,
Эгили қомати гўё хўшачин бўлди.

Кумуш била нечаким кўнглаки енги бой эди,
Узин кўтармади, боши остин бўлди.

Саводи наргиси анииг “Ҳадойиқус-сехр ул”,
Ки тегма санъати торожи ақлу дин бўлди.

Сочини ўгри ледим, қилди эгрилик пайдо,
Анииг ҳақида неким Лутфий сўзи чин бўлди.

* * *

Қонимға күз қарортти бирорнинг қароқлари,
Құрбон бүлайин учраса күзгә қабоқлари.

Оттурди кеча бирла қиёмат тонгин манға,
Хар бир қиё боқарда қаро қўзунг оқлари.

Гул васфи хуснунг эрта била азбар этмаса,
Бўғонда не учун турур очуқ вароқлари?

Маҳшар кунига гегру мени ўртагусидур
Бу ўтки, солди жонима нозик янгоқлари.

Лутфийға ол бирла адам йўли кўрсағур,
Ширин габассум айласа нозук дудоқлари.

* * *

Равза ҳури ё малаксиз ёхуд асмойи пари,
Е аларниң ҳусни-ю, жамъ одамийлик бир сари.

Кайдадур Юсуфки, гултек күнглагин чок айлагай,
Ним танангиз бирла күрса сизни эвдин ташқари.

Юз туман минг йил агар тебратса гардун, топмағай
Бир сизингтек пок жавҳар, бир менингтек жавҳари.

Ҳаргиз ул давлат манга бўлғаймуким, умримда мен
Итларингиз хайлида топсам мақоми чокари.

Сен санамни кўргали хўблар кўрунмас кўзума,
Ким алардур юлдузу сиз-офтоби ховари.

Лойик эрмастур юзунг аксина ою кун, дема, –
Ким эрур хуршиду ой ҳуснунгда ментек муштари.

Тўтийи таъбимниким, ушбу қафасда лол эди,
Бу табассум бирла гўё қилди лаълинг шаккари.

Ул оғизнинг чун вужудинда бор эрди иштибоҳ,
Нуқтайи шак тушти ирнинг узра холи анбари.

Нечаким сизга боқар Лутфий, ҳамул тўймас кўзи,
Кул гадодур ҳар нечаким топса жоҳу сарвари.

* * *

Эй, жафочи, тут ғанимат кўркнинг давронини
Ким, киши топмайдуур бу даврнинг поёнини.

Онт ичибсен гўиёким аҳди ҳуснингда, бегим,
Килмағайсен бир жароҳатлик кўнгул дармонини.

Бу жамолу юзу кўзким сенда бордур, онгладим
Ким, тан ичра қўймагайсен ҳеч ошиқ жонини.

Юзунг имон нуридуур, сакла ракибдин пардада,
Сақласа яхши киши иблисдин имонини.

Ишқ учун ошиқни тенгри ёрлақаб ҳеч сўрмагай,
Чун яратмиш кўзу қошу ғамзаи фаттонини.

Раҳм эмастур улки кўз ёш этди ошиқ оҳидин,
Ғамзанинг тифина сув бердики тўkkай қонини.

“Не кетурдунг, – десалар маҳшарда, – Лутфий
дунядин?”
Кўргузай бағримдаги новакларинг пайконини.

* * *

Хаққим сени дилрабо яратти,
Ошиклара чун бало яратти.

Хар кайда вафо ракиб учундур,
Ошиқ улуши жафо яратти.

Қилманг мени ишқ үчүн маломат,
Чун ишкни ҳам худо яратти.

Ошиқ кишиларни ўлтууррга,
Тенгри сени мунтаҳо яратти.

Лутфий, тамаъ этма меҳр ондин,
Курклукни чу бевафо яратти.

* * *

Улким күнгүл олди зулфу холи,
Күнглумдип әмас хаёли холи.

Күзүм қарорур қачонки келса,
Күнглумда қоши, күзи хаёли.

Ул күзи ҳароми әлимизга,
Түштәй яна бўлса гар ҳалоли.

Сорғотти юзу оқортадур бош,
Ул қаро санамишг юзи оли.

Лутфий, не вафо тиларсен ондии,
Кўрклук кишининг етар жамоли.

* * *

Ул жоду күзунг шеваси то макру фан ўлди,
Сабру хирадим кеттию жон мумгаҳан ўлди.

Ҳар кимки сенинг юзунг учун қилди фидо жоп,
Тупроқи бори лолаю варду суман ўлди.

Борди қаро ерга ўёлиб Бобулий Ҳоругт,
То зоҳир ўшул гамзаю чоҳи зақан ўлди.

Сочтим ҳаваси лаълида чун ёш ақиқин,
Кўзумга боқиб, дедики: “Ҳоли Яман ўлди”.

Равшандур ўшул сўзки шабистонидадур ой,
Бир шамъки, ўрни яна бир кўк лаган ўлди.

Уммид канори била, эй войки, кўзум
Дур тишларининг шавқида баҳри Адан ўлди.

Гар ўзга биҳиниг издаса ул айни қусурдур,
Чун Лутфийи мискинга эшигинг ватан ўлди.

* * *

Фурқатинг ўлтурур мени тутмараво жиги-жиги,
Кўнглум олиб ёшунмагил баҳри худо жиги-жиги.

Чун кўзу қошу қад била бизни кўнгулсиз айладинг,
Килма ҳавола жонима ўзга ано жиги-жиги.

Ой юзунгизни кўргали ўзгага солмадим назар,
Сен доғи сақла меҳр ила хаққи вафо жиги-жиги.

Чун сени тенгри раҳмату лутфи мужассам айлади,
Лойик эмас санга ситам, қилма жафо жиги-жиги.

Лаъли лабингдин ўзга йўқ дардима чора қилғучи,
Сўрдур ўшундин, эй бегим, бизга шифо жиги-жиги.

Чун санга фарзи айн эрур ҳусн закоти, бок менга,
Нечажигиласун санга ушбу гадо жиги-жиги.

Қуш тили андалибитек Лутфийи хаста ёлборур,
Гул киби чехрадин они тутма жудо жиги-жиги.

* * *

Рикобингизда манга салтанат ато бўлди,
Бу йўл қисқалиғи жонима бало бўлди.

Ҳамул замонки қошинг тоқи бўлди меҳробе,
Кўнгул муроди-ю, жон ҳожати раво бўлди.

Сабо келтурмади ул турранинг шамомасини,
Магарки мен чилойин анда мубтало бўлди.

Не хуш чирой бўлур, ё раб, ул таололлоҳ,
Ки ёди бирла кўнгул мазҳари сафо бўлди.

Сочинг салосили Лутфийни чекти ҳақ сори,
Мажоз уланди ҳақиқатқа, мунтаҳо бўлди.

* * *

Кўқладур ҳар дам фигоним кўргали сен моҳни,
Даъвии меҳринға тонук тортадурман оҳни.

Сен киби султонни севмак ҳаддим эрмастур валек
Бу балолик ишқ фарқ этмас гадоу шоҳни.

Зулфу ой юзунг фироқинда туман ҳасрат била,
Оҳким, зое кечурдум мунча солу моҳни.

Донаи холинг таманносида, эй гул хирмани,
Қил назарким, чехраи зардим ёшурди коҳни.

Оғзингизнинг фикрини мундоқки кўрдум охири,
Бошлиғусидур адам сори мени гумроҳни.

Эшикингдур баҳту давлат, хоки пойинг афсарим,
Топмади Жамшиду Афридун бу қадру жоҳни.

Қувма Лутфийни эшиқдин, бер закоти ҳусн анга,
Қайда айтсун сен ғани боринда “шайъанлоҳ”ни.

* * *

Кўздин йироқ согали ўз мубталосини,
Не оқин ўзга кўрди кини, не қаросини.

Мавҳум нуқта киби ҳар гаҳ кўрунмасам,
Истанг дудогидин бу гадо хунбаҳосини.

Мажнун кўнгул чу ҳаддини билмай сени севар,
Ишқ ўти бергусидур вар охир сазосини.

Лаълинг ғаминда тоҳи юзум сафҳаси уза
Сурхи била бигиди кўзум можаросини.

Лутфийким оғзи васфида изҳори гайб этар,
Ул чехрадин кўрар бу кўнгулнинг сафосини.

* * *

Түш бўлди қиёматким, ул моҳлиқо қўпти,
Усрук кўзи уйқудин кеч қўпти, бало қўпти.

Фитна эшигин очти меҳробнишинларға,
Чун субҳ улаб нарғис ул қоши қаро қўпти.

Изи тузини сурма қилғай дею кўзларга,
Сув бўлди менинг жоним ҳар дамки сабо қўпди.

Юз турлук уруш пайдо қилғувчи рақибингдур,
Ҳар қайдаки ўлтурди, ҳаққоки, сафо қўпти.

Мен ёлғузу ҳар сори қонимға бўлуб тонуқ,
Кўз ёши ғулув қилди, фарёд жудо қўпти.

Хусн эли жафосиндин жонимға гегиртурмен,
Хусн андаки ўриашти, гўёки вафо қўпти.

Лутфийни сўро келди орттурмоқ учун дардин,
Бир кўз юмуб-очқунча ўлтурди, яно қўпти.

* * *

Күзунг карашма била бир боқиб бало қилди,
Лабинг табассум этиб, жонни мубтало қилди.

Қаронғулукқа неча тушти ақл зулфунгдин,
Хирад юзунгни vale үзина йўло қилди.

Кўзунгу қошингу зулфунг ул бало бирикиб,
Манга бу дунёни бир дори мубтало қилди.

Кетарди ақлни ишқинг шаҳи келиб еридин,
Ватанга чун эгаси келди, ул жало қилди.

Балодин ўзини сақлаб юурда Лутфийнинг
Жониға жоду кўзунг,вой, не бало қилди!

* * *

Гар хаёлинг кеча-кундуз бизга ҳамдам бўлмағай,
Сенсизин бизга очуңда умр бир дам бўлмағай.

Кўрди қошинг меҳридин ҳам барчанинг қаддин хилол,
Ул доғи бўлди дуто то ўзгадин кам бўлмағай.

Гар тиларсен хусн мулкин, қулларинги қовлама,
Шаҳ чериксиз бўлса мулк анга мусаллам бўлмағай.

Пардадорлиқ қилғай онжоқ гул эшигингда, магар
Ул ҳарим ичра неча жаҳд этса маҳрам бўлмағай.

Мубтало қилди фалак бизни ғами ҳижрон била,
То қиёмат ул доғи, ё рабки, хуррам бўлмағай.

Хуснидин парвойи йўқ ким сўрса ҳолимни бирор
Бор кишига юз жиғой гар ўлсалар ғам бўлмағай.

Охиратқа ишқин олиб борди охир Лутфий қул,
Мундин ўзга муниси ул ерда ҳамдам бўлмағай.

Адабий-бадиий нашр

**ЛУТФИЙ
БУ КҮНГИЛДУР, БУ КҮНГИЛ**
Fazalılar

Мұхаррир Абдукамол Абдужалилов
Бадиий мұхаррир Иzzat Йұлдошев
Тех. мұхаррир Екатерина Корягина
Мусақхих, Доно Түйчиева
Сағифаловчи Ҳилома Шарипова

Нашр. лиц. АI № 154. 14.08.09.
2016 йыл 25 январда босишига рухсат этилди.
Бичими 70x100 ,^{1/32}. Palatino Linotype гарнитураси.
Офсет босма. 7,13 шартли босма табоқ. 3,5 нашр табоги.
Алади 500 нұсха. 117 рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент. Лабзак кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz e-mail: info@gglit.uz

12900

ISBN 978-9943-03-7



9 789943 03767 0

